

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

**АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5А340201 – Менежмент (соҳалар бўйича)

ДИССЕРТАЦИЯ

Магистрлик илмий даражасини олиш учун ёзилган

Иш кўриб чиқилган
ва ҳимояга кўйилган
«М ва М» кафедраси
муdiri Турсунов Ш.А.

Илмий раҳбар:
и.ф.д.,проф.
Расулев А.Ф.

ТОШКЕНТ – 2012

МУНДАРИЖА :

КИРИШ

I-БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1 Инновацион фаолият тушунчаси ва унинг моҳияти
- 1.2 Инновацион фаолиятни бошқаришнинг назарий ва илмий асослари
- 1.3 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш стратегияси

II-БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

- 2.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлиги
- 2.2. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ инновацион фаолияти таҳлили
- 2.3. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ инновацион фаолиятини ривожланганлик ва таъминланганлик даражаси

III-БОБ АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 3.1 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш
- 3.2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни самарали бошқариш ва ривожлантириш йўллари

ХУЛОСА

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Бугунги кунда иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифатий ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, инновация ва инновацион ғоялар ҳисобига янгилашиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бироқ, бугунги фан техника тараққиёти, қолаверса жаҳон бозорида рўй бераётган инновацион ўзгаришлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолишга имкон бермайди. Шу боис, миллий иқтисодиёт ва жаҳон бозоридаги инновацион стратегик ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотларни олиб бориш, назария ва услубларини яратиш, уларни амалга оширишнинг йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг устивор йўналишларидан бири иқтисодиёт тармоқларида инновацион ислохотлар, туб янгилашишларни модернизация қилиши ҳисобланиб, у макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарни янги технология ва жиҳозлар билан жиҳозлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини оширишга асосланади. Ушбу жараён, шубҳасиз мамлакатнинг инновацион, иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бир пайтда, ундан унумли фойдаланишни назарда тутаяди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек **“Ушбу сиёсат, аввало, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом ашё ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор”**. Дарҳақиқат мамлакатнинг жаҳон хўжалик тизимида фаол кириб бориши, иқтисодиётнинг очиқлигини кенгайтириш ва эркинлаштириш, инновация асосида модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни барқарор суръатларни таъминлаш муаммоларига алоҳида аҳамият берилишини тақозо этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадалаштиришни талаб этмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки чуқур, самарали инновацион стратегияни амал қилиши мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оқилона фойдаланиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт инновацион шаклланиши энг аввало иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ҳисобига юз беради, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини хом ашё экспорт қилишини камайтириш билан бирга уни қайта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблағларининг тежалишига, аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу омиллар ўз навбатида инновация стратегиясини амалга ошириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамланишига олиб келади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси бўлиб, маркетинг соҳаси бўйича етакчи мутахассисларнинг меҳнатлари, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ҳисобланади.

Бу борада хориж олимларидан И.Ансоф, В.Беренс, Г.Бирман, М.Бромвич, М.А.Горелик, Е.А.Голубицкая, Э.Долан, К.Макдонелл, М.Питер, Л.Д.Рейман, Дж.Сакс, Г.А.Титоренко, Э.Хельферт каби олим ва мутахассислар изланишлар олиб боришган.

Шунингдек телекоммуникация хизматлари бозорини умумий тадқиқ этишга мамлакатимиз олим мутахассисларидан Э.А.Акрамов, А.Н.Арипов, Т.М.Буткеева, Р.Я.Досумов, Т.К.Иминов, Т.С.Маликов, М.А.Махкамова, Х.А.Муҳитдинов, М.М.Махмудов, Х.М.Мирзохидов, Н.Х.Хайдаров, Л.И.Шибаршова кабилар катта хисса қўшганлар.

Тадқиқот параметри ва объекти. Магистрлик ишининг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритувчи “Ўзбекистон почтаси” АК олинган.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида инновацион ўзгаришларни амалга ошириш, жорий этиш усуллари ва ривожланишини муаммолари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Ишнинг мақсади. Диссертациянинг бош мақсади- алоқа корхоналарида инновацион стратегияни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Миллий иқтисодиётда инновацион менежмент тушунчасининг мазмун моҳияти
- Инновацион фаолиятнинг ташкил қилишнинг назарий услубий асослари
- Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инновацион фаолиятнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш стратегияси
- Жамиятнинг ривожланишида Инновацион комплекслардан самарали фойдаланиш
- Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятнинг самарадорлиги
- Инновацион жараёнларнинг ривожланиши натижасида корхонанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили (“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ мисолида)
- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда инновацион фаолиятни ривожланишида ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражаси
- Ахборот - коммуникация технологияларини ривожланиши шароитида инновацион жараёнларни тартибга солиш тамойилларини такомиллаштириш
- Ахборот коммуникация соҳасида инновация сиёсатини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари

Тадқиқотнинг методологияси ва услуби. Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президентининг асарлари ва Фармонларидан, мавзуга алоқадор хорижий ва маҳаллий олимларнинг китобларидан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ҳисобот материалларидан, фойдаланилди. Бу ўз навбатида соҳанинг муаммоларини чуқур ўрганишга асос бўлади.


Магистрлик диссертация ишининг таркибий қисми. Мазкур магистерлик диссертация ишини бажаришда учта илмий мақола чоп этилиб (биртаси хорижда) ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш муаммолари кўриб чиқилган. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Инновацион фаолият тушунчаси ва унинг моҳияти.

Тарихий жihatдан технологик ва маданий тараккиёт даражаси турли инновацияларни ишлаб чиқаришга ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга татбиқ қилиниши билан белгиланади. Янги шаклдаги иқтисодиётга ўтиш, янги турдаги маҳсулотларнинг оммавий суратда ишлаб чиқарилиши, уларнинг ички ва ташқи бозорларда сотилиши, шунингдек, бошқа омиллар натижасида янгича ҳаётий фаолиятнинг шаклланиши юз берди. Хўжалик ҳаётининг янгича шакли билан боғлиқ технология ва ишлаб чиқариш янгиликлари у ёки бу давр талабларига жавоб берган ва шу боисдан аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари томонидан яхши қабул қилинган.

XX асрда ривожланган мамлакатларда инсонлар рухиятига салбий таъсир кўрсата бошлаган моддий бойликлар дунёси шаҳарлар ва давлатларнинг вужудга келиши баробарида изчил ривожланди. Шу тариқа, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таракқиёти асосида ишлаб чиқаришда бошқарувнинг куйидаги функциялари ва тамойиллари устувор бўлди:



Кўп асрлар давомида ишлаб чиқариш доирасида иқтисодиёт соҳасининг асосий ахборотлар бўғини бўлган ижобий билимларни тўплаш, тизимлаштириш ва ташкилий тарзда етказиб бериш жараёни борди. Техника-иқтисодиёт макротизимининг мураккаблашуви билан шу турдаги ахборотлар ҳажми кескин ўсди. Улкан ижобий билимлар захираси эмпирик йўл билан тўпланди, улар ишлаб чиқаришга янгидан-янги инновацияларнинг жорий этилишига асос бўлди.

Иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларида анъаналар ва янгиликлар биргаликда амал қилиб келди. Шу маънода ҳар қандай янгилик вақт ўтиши билан анъанага айланади ва сўнгра янги технология янгиликлари томонидан сиқиб чиқарилади. Шундай қилиб, замонавий Инновацион менежментга ҳос бўлган кўплаб ташкилий ҳамда ишлаб чиқариш элементлари ва тамойиллари илгариги даврларда ҳам у ёки бу шакл, усул ва кўламда қўлланган, демак улар тарихий ўхшашликка эга. Булар аввало, бошқарув-менежментнинг иқтисодий функциялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўхшашликлардир:

ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги иқтисодий муносабатларни бошқариш ва назорат қилиш;

- технологик инновацияларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни зарурий ашё ва ускуналар билан таъминлаш;
- маҳсулотни сотиш ва харидорга етказиб бериш масалаларини ўрганиш;
- қулай ички ва ташқи бозорларни аниқлаш;
- иқтисодиётнинг ташкилий соҳаларига янгиликларни татбиқ этиш.

Турли янгиликлар иктисодий ва молиявий соҳаларга айнан шу тамойилларга таянган ҳолда босқичма-босқич жорий этилган. Шу маънода ҳар қандай техник янгиликларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижаларини, янги маҳсулотларнинг оммавий тарзда ишлаб чиқарилиши ва уларни сотиш учун бозорларга чиқариш муаммоларини тарихий маълумотлар асосида ўрганиш мумкин. Жумладан, хунармандчилик маҳсулотларининг оммавий равишда ишлаб чиқарилиши, савдонинг ташкил қилиниши, маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларнинг изланиши халқаро қарвон савдосининг кенг ривожланишига ва мил. авв. II асрда Буюк Ипак йўлининг вужудга келишига олиб келди. Зарафшон ва Қашқадарё водийларида яшовчи сўғдийлар ушбу йўл бўйлаб қизғин савдо фаолиятини йўлга қўйдилар. Ўрта Осиёни Хитой билан боғловчи савдо йўли устида сўғдийлар томонидан маҳсус савдо манзилгоҳлари тармоғининг барпо этилиши ўша давр савдо ва иқтисодийнинг муҳим янгилиги бўлди.

Сўғдийлар Хитой бозорларида Ўрта Осиё молларига бўлган ва аксинча, Ўрта Осиё бозорларида Хитой молларига бўлган талабни ҳамда молларни сотиш шакллари, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хом ашёни харидорга етказиб бериш йўллари ўргандилар. Сўғд, Тошкент воҳалари, Фарғона водийси ва бошқа вилоятларнинг турли шаҳарларида маҳсус ихтисослашган хунармандчилик устахонлари вужудга келди.

Технология ва ишлаб чиқариш янгиликларининг кенг кўламда ўзаро алмашинуви хитойликларнинг Ўрта Осиёдан рангли шиша тайёрлаш санъатини ўзлаштириб олишларига сабаб бўлди.

Ерамизнинг V-VII асрларида Самарканд, Бухоро ва Термизда ипак тайёрлаш, VIII асрда эса Самаркандда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ипак ва қоғоз ишлаб чиқариш сири илгари факат Хитойда маълум эди. Натижада самаркандлик савдогарлар жаҳон бозорига маҳаллий ипак матолар етказиб берувчиларга айландилар. Шу мақсадда улар Ғарбга элтувчи савдо йўллари (куруклик ва денгиз йўллари) муваффақиятли ўзлаштириб олдилар.

Савдо-сотик, савдо оператсияларини амалга ошириш мақсадли равишда оммавий тус олади. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, ВИИ аср охирида араб кўшинлари Бухоро воҳасидаги Пойкентга бостириб келганларида, унинг катта ёшдаги барча аҳолиси савдо ишлари билан Узок Шаркда сафарда юрган эдилар.

Ўрта асрларда Бухоро яқинидаги Зандона қишлоғида шойи ва пахта толасидан зандонача газламасини ишлаб чиқарадиган тўқимачилик йўлга кўйилди, Шарк ва Ғарб мамлакатларида унга талаб катта эди. Зандонача газламаси ўзига хос хусусиятларига эга эди: нақш ва безакларнинг турли-туманлиги ҳамда унда илмоксиз матонинг доимо мавжудлиги каби. Шунингдек, бу техник изланишлар ва янги кашфиётларнинг тўқимачиликда акс этишидир. Мазкур даврга келиб ипларни тортишда горизонтал тўқимачилик дастгоҳидан фойдаланила бошланди. Турли оғирликда маҳсус тайёрланган тўқувчилик тошчалари ипак матоларга ишлов беришда кўлланилган. Турли рангларга бўялган ипларнинг ҳар бир гуруҳи алоҳида тошчаларга маҳкамланган, бу газлама эса ишлаб чиқариш жараёнини анча осонлаштирган.

Суякдан ясалган бирёклама аррасимон тароклардан фойдаланилиши ҳам тўқимачиликда яна бир технологик янгилик бўлди.

Молиявий оператсиялар ва ҳисоб-китобларда турли хил - Форс, Хитой, Византия, Ўрта Осиё тангаларидан фойдаланилиши ҳам Буюк ипак йўли савдосидаги янгиликлардан бири бўлган.

IX-XII асрларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг кескин ўсиши, оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига олиб келди. Маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бориши эса савдонинг янги шакллари ташкил қилишни талаб этарди. Шу боис, бу даврда давлатга қарашли ва хусусий устахонларда меҳнатни ташкил қилишнинг тасхларга асосланган шакли, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини режалаштириш, унга бўлган талабни ва унинг рақобатбардошлигини ўрганиш сингари янгиликлар жорий қилинади.

Шу билан бирга, махсулотларнинг нархи ва келиши мумкин бўлган фойда (ёки аксинча, у ёки бу иктисодий ва молиявий шароитдан келиб чиққан холда кутилиши мумкин бўлган зарарлар) инобатга олинган.

Ўрта аср муаллифларининг асарларидаги маълумотлар махсулотларнинг оммавий ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради, улар экспортга жўнатган ўнлаб махсулотларнинг номларини кайд киладилар.

Ўрта асрларда янги технологияларни жорий қилиш асосида тўқимачилик ишлаб чиқариши хунармандчиликнинг анча кенг ва оммавий тарқалган турига айланади. Ўрта Осиёда XX аср бошларига қадар хунармандларнинг катта қисми тўқимачилик соҳаси билан машғул эди. Газламалар жун, зиғир толаси, пахта ва ипакдан тайёрланарди. Юқори сифатли ипак газламалар Ўрта Осиё хукмдорлари сулоласининг хазинасига келиб тушарди. Улар кўшинга ва сарой хизматчиларига маош тўлашда кўшимча манба вазифасини ўтарди.

Ишлаб чиқаришдаги ўрта асрларга хос янгиликлардан бири дераза ойналари ва сирланган сопол идишлар тайёрланиши бўлди. Шиша ва сирланган сополлар тайёрлаш технологияси анъаналари сакланиб қолди ва замонавий ишлаб чиқаришда янги асосларда такомиллаштирилди.

Ўрта асрларда савдо-сотикнинг ярмарка ва кўтара ким ошди савдоси сингари янги шакллари вужудга келди. Ундириладиган бож тўловлари микдорининг пастлиги ҳамда божхона масканлари сонининг камлиги савдо-сотикнинг ривожига ёрдам берди. Катта хажмдаги савдо учун муомала воситаси ва тўлов бирлиги сифатида катта микдордаги пул талаб этиларди. Шу мақсадда мис, кумуш ва олтин тангалар зарб қилинди. Бозорлар ва шаҳарлардаги бош кўчаларнинг чорраҳалари - чорсуларда пул алмаштирувчи саррофларнинг дўконлари жойлашган бўлиб, улар турли шаҳар ва мамлакат пулларини маҳаллий пулларга алмаштириб берардилар.

Аста-секин молиявий оператсияларда янгилик - нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва векселлар, яъни кредит-вексел тизими жорий этилади. У қуйидаги тарзда амалга оширилди: савдогарлар шаҳарларда ўз молларини саррофга

топшириб, ундан кредит хати олардилар ва сўнгра мазкур саррофнинг чеки (хавола)га мол харид килардилар. Шу тарика сарроф молларни кабул килиб, сўнгра уларни пулларди ва уларнинг кўлларидоги пуллар капиталга айланарди. Бу товар-пул муносабатларидаги мухим янгилик эди. Саррофлар идораси шаҳарлардаги молиявий фаолият марказлари эди. Шунингдек, бу даврда молия тизимида яна бир янгилик - фоиз эвазига қарз бериш ривож топди.

Хунармандларнинг бари хунармандчилик тсехларини эслатувчи махсус ишлаб чиқариш ташкилотларига уюшган эдилар. Хунармандлар ва савдогарларнинг уюшган гуруҳ тарзида алохида, махсус даҳаларда жойлашганлиги хунармандчилик уюшмалари мавжуд бўлганлигининг далилидир. Шаҳардаги ҳар қайси маҳалла хунармандчиликнинг алохида бир тури билан машғул эди. Даҳалар уларда истикомат қилувчи аҳолининг касби билан аталарди. Даҳа оксоқоллари бир вақтнинг ўзида тсех оксоқоли ҳам ҳисобланардилар. Тсехлардан солиқ олиб туриш мақсадида хунармандлар оксоқоллари давлат идоралари томонидан тайинланарди.

Уста - хўжайин ва 2-3 шогирдан иборат жамоа энг кенг тарқалган ишлаб чиқариш жамоаси эди. Улар ўртасидаги меҳнат муносабатлари шакллари, асосан, шогирдлик (касб ўрганиш) ёки ёлланиб ишлашга асосланар эди. Унча катта бўлмаган устахоналар оддий ишлаб чиқариш ва Инновацион вазифаларни бажарарди. Уларнинг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятлари чекланган эди. Бир турдаги маҳсулот (газлама ёки сопол, металл буюмлар ва х.к.) ишлаб чиқарувчи бир неча устахонани ўз ичига олган тсехлар анча мураккаб иқтисодий вазифаларни бажарардилар.

Турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун бирлашган устахонларнинг фаолияти ҳар хил иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ эди. Уларнинг Инновацион фаолияти озми-кўпми комплекслик хусусияти касб этарди. Шунингдек, у технологик янгиликларни излашга қаратилган бўлиб, амалий тажрибалардан сўнг ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинарди. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, тарихнинг турли даврларида

иктисодий лойихаларни мақсадли амалга ошириш ҳамда янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш вазифаси билан аҳолининг қайсидир гуруҳлари махсус шуғулланмаганлар. Аксарият ҳолларда технология янгиликлари эмпирик кузатувлар натижасида юзага келган. У пайтларда ташкилотлар ёки ишлаб чиқарувчилар гуруҳининг изланувчанлик, ташаббускорлик фаолиятини молиялаштириш каби тушунчалар мавжуд эмасди. Бирок маҳсулотларнинг бутунлай янги турларини ишлаб чиқариш, шу мақсадда ташкилий-бошқарув функциясини қайта қуриш ҳамisha долзарблигича қолган. Шу билан бирга, янги маҳсулотларнинг бозордаги рақобатбардошлиги, уни сотишдан қилиши мумкин бўлган фойда ёки қўрилиши эҳтимоли бўлган зарарлар ўрганилган.

Ёзма манбалар шундан гувоҳлик берадики, ишлаб чиқарувчилар ҳамма бозорлардан ўзларига лойиқ жой топишга интиланганлар. Савдо оператсиялари стратегиясини амалга ошириш мақсадида улар сифат жиҳатидан рақобатчиларнинг молларидан қам бўлмаган ўз молларини уларга нисбатан анча паст нархларда сотганлар. Шу тариқа харидор жалб қилиниб, маҳсулотлар кўз-кўз қилинган. Шу билан бир қаторда, янги маҳсулотларни бир неча бозорларга, зарур бўлса ташқи бозорларга ҳам чиқариш юзасидан талаб ва имкониятлар ўрганилган.

Маҳсулотларнинг сифати ва стандартларга мослигини текшириб туриш ҳамда савдони назорат қилиб туриш масаласи алоҳида муҳим масала ҳисобланади. Ўрта асрларда Европада бу масала тсехларнинг ваколатига қирар, Шарқда эса махсус давлат амалдорлари - мухтасиб томонидан амалга оширилди. Мухтасиб ўзи гувоҳи бўлган қоидабузарликни ҳеч қандай тергов ва гувоҳларнинг иштирокисиз тўхтатиш ҳуқуқига эга эди. У, шунингдек, жамоат ишлари чоғидаги мунозараларни ҳам ажрим қиларди.

Мухтасиб бозорлардаги тош ва тарозиларнинг тўғрилигини назорат қилиб борарди. Тош ва тарозиларда мухтасибнинг муҳри бўлиши лозим эди. Бу ҳақда ёзма манбаларда қуйидагича ёзилган: «Агар бозор аҳолисининг тарозиси ёки уларнинг газчўпи мухтасибда шубҳа туғдирса, хатто уларга

маълум мухр босилган бўлса ҳам мухтасиб уларни текшириб ва ўлчаб кўрарди».

Хунармандчилик устахоналари ва савдо дўконларнинг худудий жойлашуви устидан назорат олиб бориш вазифаси ҳам мухтасибнинг ваколатига кирарди. Фаолияти ўт билан боғлиқ бўлган темирчилар, новвойлар ва бошқаларнинг устахона, газламалар сотилувчи дўконлардан узоқроқда бўлиши, уларга зиён етказмаслиги лозим эди. Хар қайси соҳа хунармандлари ва савдогарлар орасидан мухтасибнинг вакиллари (орифлар) танланарди, улар хунармандлар ва савдогарларнинг фаолиятини назорат қилардилар.

Мухтасиб мумкин бўлмаган нарсаларни сотишга йўл қўймасди, таъкикланган моллар йўқ қилинарди. Аммо мухтасиб бозорлардаги нарх-навони назорат қилмасди, махсулотларнинг арзон ёки қиммат бўлиши унинг иродасига боғлиқ эмасди. Масалан, хосил яхши бўлмаган йиллари ун ва ноннинг нархи бир неча баробар ошиб кетарди, шунга карамасдан, мухтасиб нархларни назорат қилиш ҳуқуқига эга эмасди.

Шундай қилиб, тарихий маълумотлар шундан далолат берадики, турли инновациялар эмпирик кузатиш ва изланишлар йўли билан ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Янги махсулотларга бўлган кенг талаб уларнинг оммавий тарзда ишлаб чиқарилишини таъминлаган. Буларнинг бари иқтисодийнинг ташкилий-бошқарув тизимининг ривожига таъсир кўрсатган. Вақт ва шароит, хаётий фаолиятнинг янги шакллари, ишлаб чиқаришнинг янги мақсад ва вазифалари иқтисодий, молиявий ва товар-пул муносабатларида инновацион фаолиятни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилган.

1.2 Инновацион фаолиятни бошқаришнинг назарий ва услубий асослари

Ўтган асрда кенг қўламларда ривож топган илмий-техник инқилоб иқтисодчиларнинг диққат-эътиборини ишлаб чиқариш соҳасида рўй бераётган турли хил технологик ўзгаришларга тортди. Шундай ўзгаришлардан бирини илмий тилда «инновация» тушунчаси билан атай

бошлашди. Даставвал мазкур тушунча маъно жихатидан алохида олиб караладиган маданият унсурларининг бошка бир маданий тизимга сингиб боришини (ижтимоий фаолиятни ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш борасидаги турли хилдаги одатлар, расм-русмлар хакида кетмокда). Хозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жихатидан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади. Бунда мавжуд ташкилий тузилма ёхуд жараённинг алохида олинган элементини нисбатан мукамалроқ бошка бир элемент билан алмаштирилиши ёхуд мавжуд тизимнинг янги элементлар билан бойитилиши хисобига такомиллаштирилиши назарда тутилади.

Мавжуд нарсанинг янги холатга ўтиши ёки янгича сифат касб этиши билан боғлиқ жараён инновация сифатида эътироф этилади. Бу жараёни баъзида янгиликнинг амалиётга жорий этилиши деб ҳам аташади. Инновациялар даставвал инсонлар онгида мавжуд реаллик билан унинг идеал холати ўртасидаги тафовут инъикоси сифатида шаклланади. Аксарият холларда инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суи ривожланаётган ишлаб чиқариш тизимининг потенциал имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради. Ушбу жараённинг бу зайилда ривожланишига икки хил сабаб таъсир кўрсатади. Бир томондан, инсонларнинг кундалик хаётий эҳтиёжлари нихоятда динамик хусусиятли бўлгани боис улар бетиним ўзгариб, талаб даражаси юксалиб бораверади. Табиийки, инсон ўз эҳтиёжларини кондирининг мавжуд услубларини такомиллаштиришга ҳамда янги усулларини, имкониятларини излаб топади. Иккинчи томондан, инсонлар яшайдиган мухит ва шарт-шароитлар узлуксиз ўзгартирилиб, такомиллаштирилади. Бу хол одамлардан ўзгариб бораётган янгича шарт-шароитларга мослашиб боришни талаб этади. Бундан чикди, жамият аъзолари ўзгарувчан ижтимоий-иктисодий мухитда ўзи учун муносиб ўринни эгаллаши учун доимий равишда ўз устида ишлаши, ривожланиши, билим

савиясини ва малакасини ошириб бориши, бошқалар томонидан яратилаётган янгиликларни ўзлаштириб олиши даркор.

Инновациялар барча иктисодий агентларнинг фаолияти давомида учрайдиган муаммоларнинг ўзига хос ечими сифатида майдонга чиқади. Бу ўринда иктисодий фаолиятни юритиш давомида инновациялардан кенг кўламда фойдаланишдан шахсий манфаатдорлик негизда амалий фаолиятнинг пировард натижасида эҳтимол тутиладиган, бирон шаклда ифодаланадиган (аксарият ҳолларда манфаатдорлик асосида соф фойда олиш иштиёқи ётади) реал мақсад мужассам бўлади. Д.Н.Рахимованинг фикрича, инновация, бу:

биринчидан, инновация ғоясига эга бўлган муайян ахборот тўплами (инновация ахборотнинг бир кўриниши тарзида ва шу маънода фаразий янгилик);

иккинчидан, тегишли қарор қабул қилиниши жараёни орқали ўтган ва моддийлашган инновация ғояси (инновация уни ўзлаштириш, жорий этиш жараёни тарзида ёки амалга ошадиган, рўёбга чиқадиган янгилик);

учинчидан, олинган натижа ёки жорий қилинган янгилик.

Ижтимоий ҳаётнинг турли хил соҳаларида (шу жумладан, иктисодий соҳада ҳам) намоён бўлувчи инновацияларнинг таъсир самарасини ҳар хил аломатларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, инновацион назариянинг асосчиси Й.Шумпетер ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига киритилувчи янгиликларни базисли (бирламчи) ва иккиламчи турларга ажратади. Ўз вақтида Г.Менш базисли (бирламчи) ва сохта инновацияларни фарқлаганди. Базисли (бирламчи) инновациялар деганда, пировард натижада саноатнинг янги тармоқлари ва янги бозорларнинг шаклланиб ривожланишга туртки бера оладиган янгиликлар назарда тутилади. Бу хилдаги инновациялар амалда бўлган асосий технологик схемаларга деярли ўзгартиришлар киритмаган ҳолда ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулотнинг сифатини оширишга, ресурсларни тежаб қолишга имконият яратиш беради. Сохта янгиликлар маҳсулотлар бозоридаги шарт-шароитлар, потенциал

харидорларнинг талаблари ўзгаришига қараб киска муддатлар давомида амалга ошириладиган жараёнларни ифода этади.

А.И.Анчишкин асосини ташкил этувчи илмий ғояларнинг моддийлашуви даражасига қараб фарқланувчи қуйидаги уч хил инновацияларни ифодалайди:

- Принципиал жиҳатдан мутлақо янги илмий ғояларнинг амалиётга татбиқ этилиши туфайли ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан инқилобий даражада ўзгаришига сабаб бўлувчи инновациялар;

- Ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган технологияларнинг такомиллашуви натижасида амалдаги техник воситаларнинг ўзгартирилишига сабаб бўлувчи инновациялар. Одатда, бундай вазиятда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкиллаштириш асосида ётадиган фундаментал илмий принциплар ўзгармасдан қолади;

- Амалдаги техник воситаларнинг миқдор жиҳатидан ўзгаришига сабаб бўлувчи, жараёнларни ва техник воситаларни модификациялаштирувчи инновациялар.

Иқтисодий фаолият соҳасида инновацияларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- Радикал (базавий) инновациялар, яъни принципиал жиҳатдан мутлақо янги технологиялар, маҳсулот турлари, бошқарув турлари;

- Комбинациялаштирилган, яъни ишлаб чиқариш омилларини турли хилдаги комбинатсияларда ишлатилишига асосланувчи инновациялар;

- Модификациялаштирувчи, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг конструктсияларини, хўжалик фаолиятини юритиш принциплари ва шаклларини такомиллаштириш учун асос бўлгувчи (тадрижий) инновациялар.

Радикал (базавий) инновациялар аксарият холларда бозордаги талаб ҳолати билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Бу хилдаги инновацияларни амалга ошириш одатда бир катор кийинчиликларни келтириб чиқаради. Негаки, бу каби инновациялар яратиладиган ва амалда қўлланиладиган соҳалар

(масалан, илм-фан ва ишлаб чиқариш) бир-бирдан узокрок бўлади. Амалий иш тажрибаси кўрсатишича, радикал инновациялар ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири саналади. Шунга кўра, бирламчи инновацияларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги оқибат натижада хўжалик фаолиятида стагнация ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Модификациялаштирувчи инновациялар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши баробарида мавжуд тизимнинг ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қилиши мумкин бўлган реал шарт-шароитлар йўл қўймайдиган бўлса радикал чораларни бевақт қўллашдан саклаб қолади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маънавий жихатдан эскириб қолган ускуналарни замонавийси билан алмаштириш вақтинчалик чиқимларга олиб келсада, оқибат натижада эскириб қолган жихозларни ишга яроқли ҳолатда саклаш учун доимий равишда модернизациялаштиришга ортиқча сарф-харажатлар қилишдан кўра афзалроқ.

Амалга оширилиши тезлиги ва кўламлари нуқтаи назаридан қуйидаги инновацияларни фарқлашади:

- Амалдаги хўжалик юритиш усулларини ҳамда технологияларини мутлақо ўзгартиришга асосланган инновациялар;
- Ишлаб чиқариш, хўжалик юритиш соҳасида муайян ўзгартиришларни (ўрин алмаштирилиши) амалга оширишга асосланган инновациялар;
- Ортга қайтувчи, яъни амалиётга жорий этиладиган янгилик ўзини оқламаса ёхуд мавжуд шарт-шароитлар инновацияни тўқис рўёбга ошириш учун етарлича ривожланмаганлиги аён бўлса, қайтадан илгариги шарт-шароитлар тикланиши мумкин;
- Жорий пайтдаги шарт-шароитларда функционал жихатдан ўхшаш аналоглари мавжуд бўлмаган, фундаментал янгиликларга асосланган инновациялар;

- Ретроангиликлар, яъни илгари мавжуд махсулотларни, ишлаб чиқариш услублари ва воситаларини сифат жихатидан янгича боскичда кўллашга имкон берувчи инновациялар.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, узок муддатли циклик тебранишларга мойил бўлган бир катор техник-иқтисодий омилларнинг таъсири остида реализатсия қилинадиган Инновацион фаолиятга қулай шароит туғдирувчи ва аксинча, тўскинлик қилиши мумкин бўлган даврлар кузатилади. Бу билан демокчимизки, миллий иқтисодиёт тизими негизида фаолият юритувчи иқтисодий агентлар Инновацион фаолиятни амалга ошириши давомида ташки мухит шарт-шароитларининг даврий ўзгаришларига эътибор бериши зарур.

Амалга ошириладиган инновациялар бир қанча ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажаришади. Иқтисодий агентлар ихтиёридаги вақт-соатни тежаш иқтисодий фаолият самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим қонуниятлардан бири бўлганлиги сабабли хўжалик субъектлари ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат харажатларини имкон қадар қамайтириш ҳамда якуний натижалар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун инновацияларнинг бирламчи функцияси ишлаб чиқариш жараёнларида сарфланадиган энергияни, жонли меҳнат сарфини имкон қадар максимал даражада қамайтириш, ишлаб чиқариш қучларининг потенциалини, меҳнат самарадорлигини оширишдан иборат бўлади.

Инновацияларнинг иккиламчи функцияси шуки, улар ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг сифатини оширишга ва билвосита ишлаб чиқариш, истеъмол даражасини, ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Инновацияларнинг учинчи функцияси улар ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг сифатини оширишга ва билвосита ишлаб чиқариш, истеъмол даражасини, ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилиши баробарида талаб ва тақлиф, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги пропорцияларни тегишли даражада саклашга ёрдам беради.

Ва ниҳоят, инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жараёнлари давомида инсонларнинг интеллектуал салоҳияти янада такомиллашади ва юксалади.

Инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жараёнлари ҳам муайян цикллардан иборатдир. Ушбу нуктаи назардан олиб каралса, Инновацион цикл вақт ўлчамларида изчил давом этувчи, аҳамияти жихатидан бир хил бўлган турли хил боскичларда функционал жихатдан алоҳида мазмун касб этиб бир-биридан фаркланадиган фаолият йиғиндисидир.

Амалиётга жорий этиладиган янгиликларнинг жамият томонидан эътироф этилиши оқибат натижада ушбу инновацияларга нисбатан талабни вужудга келтиради. Мазкур талаб даражаси куйидагиларга боғлиқ:

- потенциал харидорларнинг ишлаб чиқариладиган товарлар сифати ва хусусиятларига нисбатан илгари суриладиган талаблари;
- мавжуд нархларнинг талаб даражасига мослаша олишига;
- аҳолининг алоҳида катламлари оладиган даромадлар даражасига;
- эҳтиёжларнинг долзарблаштирилишига;
- миллий анъаналар, расм-русм ва хоказоларга.

Гарчи, жорий этиладиган янгиликлар миллий иқтисодиётнинг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш сектори билан бевосита боғлиқ бўлса, инновацияларнинг диффузияланиши анча кучаяди. Эҳтиёжлар турли хилдаги янгиликларни кашф этиб, уларни амалиётга жорий этишни такозо этади. Кашф этилган янгиликларнинг қай даражада амалиётга жорий этилишига келсак, бу аксарият ҳолларда инвеститсион сиёсатни юритувчи иқтисодий агентларнинг фаолиятига, инвеститсияларнинг тузилиши ва ҳажмига, инвеститсияларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини тўғри аниқлай билишга боғлиқ бўлади.

Инновацияларнинг диффузияланиши ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятларига ҳам боғлиқ. Таҷрибалар кўрсатишича, кашф этилган янгиликларни амалиётга кенг қўламда татбиқ этилишигача аввал уларнинг асосини ташкил этувчи ғоя ва иш принципларини такомиллаштириш керак бўлади. Бирон бир инновация учун асос бўлиб хизмат қилувчи фундаментал

ғоя ва билимларнинг, уларни амалда кўллаш борасидаги иш тажрибаларининг тўпланиши натижада куйидаги оқибатларга олиб келади:

- истикболи бўлмайдиган лойихаларни аниқлаб олиш ва улардан ўз вақтида воз кечишга;
- яратилган Инновацион ғояни саноат микёсида амалиётга татбиқ этиш жараёнида янада такомиллаштиришга;
- яратилган янгиликни конкрет ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятларига, бошқарув ва ташкилий фаолият юритиш учун масъул бўлган тизимларнинг характерига мослаштириш имкон беради.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси хисобланадиган, илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни моддийлаштириб ижтимоий ишлаб чиқариш тизимларига жорий этилишига хизмат киладиган тармок миллий иқтисодиётнинг Инновацион соҳасини ташкил этади. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг Инновацион соҳаси ўз функционал фаолиятини нормал амалга ошириши учун алоҳида шарт-шароитлар талаб этилади. Жумладан, интеллектуал мулкчилик мавжуд бўлиши ҳамда Инновацион фаолиятнинг самараси ўларок пайдо бўладиган товарларга нисбатан мулкчилик ҳукуки умумийтироф этилиши шарт. Иқтисодиётнинг Инновацион соҳасида саноатнинг бошқа тармоқларидан алоҳида ажралтилган, ихтисослашган ўзига хос моддий-техник база шаклланади. Унинг негизида Инновацион фаолият ташкиллаштириш ва бошқаришнинг мавжуд шаклларига мос келадиган алоҳида иш услублари ривожланади.

Инновацион соҳанинг хусусиятларини назарий жихатдан ўрганиш ижтимоий-иқтисодий соҳада турли хилдаги маркетинг контсептсиялари кенг ривожлана бошлаган ва жаҳон иқтисодиётида Инновацион фаолиятнинг фаоллашуви кузатилган даврларда (XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб) нихоятда долзарблашди.

Инновацион соҳага тааллуқли муаммоларни илмий жихатдан таҳлил қилишга уринган турли хил олимларнинг илмий ишларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, маълум бир инновациянинг муваффақияти ва характери

окибат натижада конкрет тармокнинг, регионнинг, мамлакатнинг, колаверса, корхонанинг Инновацион потенциали кандайлигига боғлиқ бўлади.

Муҳокама этилаётган мавзуга оид илмий адабиётлардан маълум, аксарият олим ва тадқиқотчилар «инновацион потенциал» тушунчасининг мазмунини бир хилда эътироф этишади. Уларнинг назарида инновацион потенциал шу турдаги фаолиятни амалга ошириш учун муҳим бўлган турли хилдаги ресурсларнинг (моддий, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, молиявий, интеллектуал, илмий-техник ва хоказо) йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқот натижасида бу фикр унчалик тўғри эмас, ҳар ҳолда «Инновацион потенциал» тушунчасининг мазмунини бу хилда талкин этилса, унинг маъноси нисбатан торроқ ифодаланган бўларди.

Маълумки, иқтисодий фани ўз назариясини ривожлантиришда куйидаги постулатга асосланади: хўжалик фаолияти билан машғул бўлган барча субъектлар доимо чекланган ресурслар шароитида иш юритишади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, хўжалик тизимининг ҳар бир алоҳида элементи муайян устунликларга эгадир. У ҳолда «Инновацион потенциал» тушунчасининг мазмунини муайян давр ва шарт-шароитларда иқтисодий агентлар ўзларининг мутлақ ёки нисбий устунликларини намоиш этиш имконияти пайдо бўладиган фаолият соҳаларини тўғри аниқлай билиши ҳамда ушбу имкониятни реализатсия қилиши сифатида ифодаланиши маъқул бўларди. Бундан олий таълим тизимларининг Инновацион фаолияти учун устувор аҳамиятга эга бўлган масала чиқади, бу мавжуд шарт-шароитларда конкрет олийгоҳнинг устунликлари нимада намоён бўлишини аниқлаш ва ушбу устунликни имкон қадар ривожлантиришдан иборатдир. Бу хилдаги устунликлар турли хил категорияга мансуб бўлиши мумкин. Масалан, объектив хусусиятга эга бўлган (табиий ҳамда тарихий шарт-шароитлар туфайли юзага чиқадиган) устунликлар билан бир вақтда алоҳида олинган олий ўқув юртларида етук, юксак малакали мутахассислар мавжудлиги, истикболли тадқиқотлар, ишланмалар бажарилаётгани, янги технологиялар

кашф этилиши, бошқарув соҳасида Инновацион услублар татбиқ этилиши туфайли вужудга келадиган устунликлар фаркланиши мумкин.

Иктисодий агентларнинг мутлақ ёки нисбий устунликлари ҳақидаги ғояларни иктисодий фанни ривожлантирган мумтоз муаллифлардан бири Д.Рикардонинг асарларида ҳам кўплаб топилади. Масалан, шундай фикрларни учратиш мумкин: «...мамлакат бойиши учун бошқаларга нисбатан олганда имкон қадар кам меҳнат ва капитал талаб этиладиган товарларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиши лозим».

Замонавий олимларнинг фикрига қараганда, илгарилари мамлакат, регион, тармоқ, корхоналарнинг устунликка эга бўлиши хусусидаги муаммони принципадан жихатдан нотўғри талқин этишган. М.Портернинг ёзишича: «...ракобатчилик курашида муваффақият қозониш пировард натижада ишлаб чиқариш омилларига эмас, балки бу омиллардан қим, қаерда ва қай даражада самарали фойдаланишига боғлиқ». Ўз фикрини давом эттирар экан М.Портер шундай таъкидлайди: «...конкрет мамлакат (регион, тармоқ, корхона)нинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги шарт-шароитларга қараб у ёки бу стратегияни амалга оширишга қулайлик туғдиради ёхуд аксинча, тўсқинлик қилади. Ўзига хос хусусиятлар шаклан ва мазмунан турлича бўлиши мумкин (масалан, юриш-туришнинг ўзига хослиги, мамлакат (регион, тармоқ, корхона)да айрим турдаги малакали ишчи кучининг мавжудлиги ёхуд аксинча, йўқлиги, ички бозорлардаги талабнинг алоҳида хусусият қасб этиши, маҳаллий инвесторлар қўзлайдиган бош мақсадлар ва ҳоказо). Бу вазиятда энг қизиғи шуки, инвесторларни ҳаракатга ундовчи мотивлар, нисбий устунликлар ҳақидаги неоклассик назарияларига асос қилиб олинган ғояларга мутлақо алоқаси йўқ».

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, масала қандайдир ресурсларнинг мавжудлиги ёки етишмаслиги хусусида эмас, балки мавжуд ресурслардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги ҳақида кетмоқда.

Турли хил иктисодий назариялар учун асос бўлиб хизмат қилган дастлабки ғоя ва фикр-мулоҳазалардан қелиб чиқиб, «Инновацион потенциал»

тушунчасининг мазмун-мохиятини куйидагича талкин килиш мумкин: Инновацион потенциал деганда, ўзаро боғлиқликда бўлган турли хил ресурсларнинг умумий йиғиндиси тушунилади. Турли хилдаги ресурсларнинг уйғун бирлаштирилиши пировард натижада назария соҳасида яратилган янгиликларни амалиётга муваффақият билан жорий этишга имкон берувчи самарадор тизимни шакллантиради.

Инновацион потенциалнинг молиявий ресурслари куйидаги функцияларни бажаради:

- Инновацион жараёнларни йўлга кўйиш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларнинг келиб тушишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларнинг Инновацион жараёнларнинг муайян босқичларига мос холда таъминланишига шароит туғдириш;
- Инновацион жараёнларнинг амалга оширилиши жараёнларига муайян тарзда таъсир кўрсатиш;
- инновацияларнинг яратилиши учун шарт-шароит яратиб бериш ва лозим бўлса, туртки бериш, рағбатлантириш;
- мавжуд Инновацион тизимнинг функционал фаолияти ва ривожланиши билан боғлиқ турли хил эҳтиёжларга мос келадиган Инновацион лойихаларнинг яратилишига туртки бериш;
- Инновацион лойихаларни амалга ошириш учун ажратиладиган харажатларнинг оптимал ва самарадор бўлишлигини таъминлаш.

Моддий-техник ресурслар Инновацион потенциални шакллантириш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Улар Инновацион лойихаларнинг моддийлашувига шароит яратиб, Инновацион потенциалнинг техник-технологик базаси учун хос бўладиган асосий хусусиятларни белгилаб беради, Инновацион фаолиятнинг кўламлари ва суръатларига таъсир ўтказади.

Алоҳида олинган иқтисодий агентлар ва миллий иқтисодиётнинг Инновацион потенциални шакллантириш ва кейинчалик ундан мақсадли фаолият давомида фойдаланиш жараёнида ресурслар амалга ошириладиган

Инновацион фаолиятнинг моддий ва информатсион базасини ташкил этади ёки Инновацион фаолиятнинг мақсадларидан бири сифатида ўзига хос бошқарув объекти бўлиб майдонга чиқади.

Хозирги замонда ижтимоий ишлаб чиқариш тизимининг Инновацион потенциалини онгли равишда ва конкрет мақсадларни кўзлаб бошқариш учун куйидаги ҳолатларни эътиборга олиш даркор:

- иқтисодий субъектларни Инновацион жихатдан ривожлатириш жараёнининг ресурслар базаси мазмун-моҳиятини, тузилиши ва динамикасининг мураккаблашиб бораётганлигини;

- Инновацион фаолиятдан кўзланадиган пировард мақсадларга эришиш йўлида мавжуд ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг ошиб бориши;

- Инновацион потенциал ресурсларининг қандай қўлланилиши жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган эҳтимолий омилларнинг таъсир самараси ошиб бораётганлигини;

- давлат органларининг Инновацион ресурсларни мобилизатсиялаштириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларини ташкиллаштириш ҳамда бошқариш функциясининг кучайиб бораётганлиги;

- ҳозирги вақтда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда Инновацион ресурслардан ва илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш жадаллигини оширишнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлигини ва хоказо.

Инновацион потенциалдан фойдаланиш куйидаги икки сабаблар туфайли чекланиши мумкин:

- Инновацион потенциалнинг функционал жихатлари туфайли бу хилдаги сабаблар пировард натижада Инновацион потенциалнинг мазмуни сифат жихатидан қандай бўлишлигини белгилаб беради;

- Такрор яратилиши хусусиятлари туфайли - бу хилдаги сабабларнинг таъсир самараси шундайки, муайян давр ўтганидан сўнг мавжуд Инновацион потенциал учун хос бўлган хусусиятлар аста-секин йўқолиб боради.

Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг Инновацион потенциали куйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

- мутлак хусусиятга эга потенциал; бундай потенциалнинг мавжудлиги иктисодий агентларнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ресурслар Инновацион фаолиятни мукамал тарзда амалга оширишга имконият яратиш беради; максимал даражада реал хусусият касб этувчи потенциал; бундай шароитда Инновацион маҳсулотни яратиш учун сарфланадиган кўшимча харажатлар унинг максимал даражасини ошириш юбормайди, бироқ,

- Инновацион маҳсулотнинг хажмини ошириш учун сарфланадиган харажатлар салмоғи кескин ошиб кетади;

- эффектив потенциал; бу шароитда яратилган янгиликка нисбатан талаб ва таклиф муайян даражада сакланиб турса, Инновацион фаолият якунида олинадиган даромадлар салмоғи сарфланган харажатлар салмоғига тенг келади;

- оптимал потенциал; бу шароитда Инновацион фаолиятдан кўзланадиган мақсадларга минимал даражада сарф-харажатлар килиниб, асосан киска муддатли кредитлар эвазига эришиш мумкин бўлади.

Инновацион фаолиятнинг турли жихатларини ўрганишга кредитнинг яратувчанлик потенциалини асослаб берган, унинг новаторлик фаолиятидаги ролини очиб берган Й.Шумпетер жуда катта хисса кўшган. Айнан Й.Шумпетер Инновацион соҳада фаолият юритувчи субъектларнинг куйидаги функционал вазифаларини белгилаб берганди:

- инновацияларни ўзлаштиришдан манфаатдор бўладиган потенциал истеъмолчиларни аниқлаш мақсадида тижорат тахлилини амалга ошириш;

- истикболли ғоялар муаллифларини, функционал фаолият юритиш учун имконият берувчи манбаларни излаб топиш;

- янгиликларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш жараёнларини ташкиллаштириш;

- янгиликларни тиражлаштириш;

- янгиликларнинг амалиётга жорий этилишини кўллаб-қувватлаш ва утилизатсиялаштириш.

Инновацион фаолият соҳаси деганда, моддий неъматлар яратилиши жараёнида бевосита иштирок этмасда, ўз фаолияти давомида моддий тусга эга бўлмаган, бироқ моддий ишлаб чиқариш жараёнларининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, алоҳида турдаги истеъмол қийматларини ишлаб чиқарувчи халқ хўжалиги соҳалари, ижтимоий фойдали меҳнат турларининг йиғиндиси тушунилади.

Инновацион фаолият соҳасидаги молиявий фаолият жараёнлари ўзига хос тарзда амалга оширилади, шу билан бирга венчурли кредитлаштириш, илмий изланишлар натижаларини маркетинг усуллари ёрдамида бозорларга олиб чиқиш мазкур соҳанинг асосий хусусиятларидан бири саналади.

Илм-фан соҳасида кашф этилган янги ғояларнинг моддий тусга киритилиши босқичида Инновацион фаолият соҳасидаги новаторлик меҳнати қуйидаги хусусиятлар касб этади:

- ҳаёлий тасаввурдагина бўлган ғояларни моддийлаштиришга интилишнинг оқибат натижалари эҳтимолий характер касб этади, турли хил рисклар туфайли негатив натижалар олинishi эҳтимоли мавжуд бўлади;
- Инновацион фаолият якунида ҳосил қилинадиган маҳсулотларнинг ноёб хусусиятларини такроран яратиш мумкин бўлмайди.

Инновацион фаолият соҳаси учун хос бўлган ташкилий-хўжалик фаолиятини юритиш шакллари ва мазкур соҳадаги жараёнларни бошқариш услублари пировардида айни соҳада амал қилувчи иқтисодий механизм мазмунини ташкил этади. Инновацион соҳадаги иқтисодий механизм миллий иқтисодиётнинг таркибий элементларидан бири саналади. Инновацион соҳадаги фаолиятнинг ташкилий шакллари деганда, Инновацион фаолиятни ташкиллаштиришнинг функционал, турли хил соҳаларда ва ҳудудлар миқёсида амал қилувчи, тармоқлараро ва миллий шакллари назарда тутилади.

Иқтисодий соҳада Инновацион фаолиятнинг мазмуни моддий асосга эга бўлган ишлаб чиқариш соҳасида бирон бир янгиликни яратиш ҳамда уни амалиётга жорий этишда ифодаланади. Инновацион фаолият моҳият-

мазмунига кўра илм-фан соҳасида эришилган ютуқларнинг бавосита ишлаб чиқариш соҳасида моддийлаштирилишини таъминлаб, ижтимоий фаолиятнинг ҳар икки соҳасини ўзаро боғлайдиган, интеграциялаштирадиган, турли хил иқтисодий агентларнинг техник-иқтисодий эҳтиёжларини илм-фан томонидан бериладиган имкониятлар воситасида кондирилиши учун шароит яратиб берадиган ўзига хос ишлаб чиқарувчи кучдир.

Инновацион фаолият негизида ётган иқтисодий зиддият пировард натижада ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиш хусусиятини акс эттиради. Айни зиддият асосида кузатилаётган тараккиёт тенденцияси шундан далолат бермоқдаки, Инновацион фаолият соҳаси борган сари кўпроқ ижтимоий характер касб этмоқда. Мазкур жараёнлар натижасида бир-биридан ажралган ҳолда мустакил фаолият юритувчи илм-фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари негизида рўй берадиган таркок жараёнларни миллий иқтисодий тизим доирасида интеграциялаштириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келади. Бу деган сўз, шу вақтга қадар бир-биридан алоҳида бўлиб, мустакил иқтисодий фаолият юритувчи «илм-фан-инновациялар-ишлаб чиқариш» тизимининг иштирокчилари объектив жихатдан умумий мақсад йўлида ўз куч-ғайратини бирлаштиришга мажбур бўлишади.

Бозор шарт-шароитида амалга ошириладиган Инновацион фаолиятнинг устувор аҳамиятга эга бўлган субъекти бу тадбиркорлардир.

Инновацион фаолият учун хос бўладиган асосий хусусиятлардан бири бу Инновацион цикл ҳисобланади. Инновацион цикл деганда, илм-фан соҳасида янги-янги ғояларнинг яратилишидан бошлаб уларнинг амалиётга татбиқ этилишигача давом этадиган давр назарда тутилади. Иқтисодчилар Инновацион циклни (янги илмий ғоянинг шаклланишидан бошлаб унинг конкрет лойиҳа тусига кириши ва нихоят, ишлаб чиқаришга жорий этилиб, синовдан ўтказилишигача бўлган даврни камраб олади) ҳамда инновацияларнинг ҳаётий лаёқати даврини (инновациянинг амалиётга татбиқ

этилишидан бошлаб унинг маънавий жихатдан эскиришигача бўлган вақт) фарклашади.

Технологияларнинг жадал ривожланиши ва доимий равишда такомиллаштирилиши муносабати билан моддий ишлаб чиқариш тизимининг тараккий этиш механизмлари ва шарт-шароитлари тубдан ўзгариб кетади. Бундай вазиятда табиатда кечаётган жараёнлар билан турли хилдаги техник тизимлар ўртасида ўзаро алоқадорлик муносабатларини қарор топтириш (кашфиётчилик) ёки муҳандислик лойиҳаларини яратиш жараёнлари эмас балки, шу вақтга қадар яратилган турли хил элементларнинг, асосий жараёнларнинг ва иш принципларининг турли-туман комбинатсияларини излаб топиш нихоятда аҳамиятли восита бўлиб қолади.

Амалий фаолиятнинг турли хил соҳаларида яратиладиган янгиликлар учун қуйидаги элементлар хос бўлади:

- Устуворлик. Бу хусусият яратилган инновациянинг мазмун-моҳиятини очиб беради, новатсиянинг амалий жихатдан фойдалилигини, рақобатбардошлилигини, иқтисодий жихатдан хавфсизлигини характерлайди.
- Универсаллик. Бу хусусият яратилган инновациянинг потенциал жихатдан тадбиркорлик фаолиятининг турли хил соҳаларида кенг қўлланилиши мумкинлигини ифода этади.
- Тижоратчилик нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги. Бу хусусият яратилган инновациянинг қай даражада талаб уйғотишини, фойда келтириши мумкинлигини белгилаб беради.
- Янгиликнинг хавфсизлиги. Бу хусусият яратилган инновациянинг экологик нуқтаи назардан оптималлигини (яъни, ресурсларни тежаш имкониятларини, атроф-муҳит ва одамлар ҳаётига нисбатан хавф туғдирмаслигини, фойдаланишда ишончлилигини) кўрсатиб беради.
- Технологик жихатдан мақбуллиги. Бу хусусият яратилган инновациянинг мавжуд технологик тизимни мукамаллаштиришга, яхшилашга қай даражада қодирлигини тавсифлайди.

- Ижтимоий жихатдан ахамиятлилиги. Бу хусусият яратилган инновациянинг амалда қўлланилиши ижтимоий хаёт учун кандай самара бериши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради.

Юкорида муҳокама этилган мавзуга оид асосий таърифлар ва ёндашувлар олий ўқув юртларининг Инновацион фаолиятига нисбатан тўғридан-тўғри ва тўлиғича татбиқ этилиши мумкин эмас.

Гап шундаки, олий ўқув юртларининг Инновацион фаолиятини илмий жихатдан ўрганиш давомида турли хил муаммолар ушбу соҳада ишлатиладиган асосий тушунчаларни талкин этиш давомидаёқ кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби шуки, биз учун биринчидан, «Инновацион фаолият» ва айниқса, «олий ўқув юртларининг Инновацион фаолияти» деган тушун-чаларнинг ўзи нисбатан олганда янгиликдир.

Илмий адабиётларда келтирилишича, «Инновацион фаолият» тушунчаси мазмунан илм-фан соҳасида яратилган янги ғоя асосида ишлаб чиқарилган мутлақо янги ёхуд такомиллаштирилган ва товарлар бозорига чиқарилган новатсиянинг ўзидан ташқари бу жараённинг илк босқичларида амалга оширилган турли хил илмий изланишларни, ишланмаларни ҳам камраб олади. Бундан чикди, Инновацион фаолият негизида амалга ошириладиган илмий фаолиятнинг қай даражада Инновацион хусусият касб этишини аниқлаш лозим бўлади.

Шуни эътиборга олиб туриб, турли хил муаллифлар томонидан «инноватсия» ва «Инновацион фаолият» тушунчаларига берилган таърифларни мазмунан таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни танлаб олинади.

«Инновация» деганда, янгитдан яратиладиган (ўзлаштириладиган) ёхуд илгари мавжуд бўлган технологияларни, товарларни ва хизматларни такомиллаштириш учун асос бўладиган, шунингдек, ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмол бозорларига олиб чиқиб сотиш туфайли фойда олиш учун қулай шароит яратиш бера оладиган ташкилий-техник бошқарув қарорлари назарда тутилади. Бирон бир янгиликдан инновациялар қуйидаги жихатлари билан фаркланади:

- Инновациялар шунчаки янгилик бўлмасдан мавжуд тизимни тубдан ислох қилиш учун база яратиб беради;
- Инновациялар амалий жихатдан фойдали бўлиш хусусиятига эга бўлади;
- Инновациялар тижоратчилик нуқтаи назаридан потенциал жихатдан фойда келтириши кутилади.

Илмий тушунчалардан тўғри фойдаланиш борасида мавжуд муаммоларни эътиборга олиб, «Инновацион фаолият» тушунчасига қуйидагича таъриф беришни таклиф этилади: «Инновацион фаолият» деганда, иктисодий фаолият соҳасидаги жараёнларни радикал тарзда ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин бўлган бирон бир янгиликни яратиш, омавийлаштириш ва уни такрор ишлаб чиқариш жараёнларини камраб олувчи алоҳида фаолият туридир. Инновацион фаолият илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро бирлаштириб, уларнинг потенциалини оширишга имкон берувчи ўзига хос ишлаб чиқариш кучи бўлиб, унинг таъсир самараси ўларок, нисбатан мустақил фаолият тури ҳисобланмиш илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, янгилик сифатида амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган илмий кашфиётларни иктисодий агентларнинг жорий фаолияти давомида юзага келадиган турли хил муаммоларини бартараф этиш, эҳтиёжларини қондириш инструменти ҳисобланади.

Шу вақтгача анъанавий таълимда талаба фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талаба (ёки ўқувчи)ларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирар эди.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (Инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган кизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талаба (ёки ўқувчи)лар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто ҳулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қарқилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг

ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир каторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи) асоси фигурага айланади.

Инновация (инглизча инноватсион) - янгилик киритиш, янгилик демакдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол («интер» - бу ўзаро, «ақт»- харакат килмок)-ўзаро харакат килмок ёки ким биландир сухбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади.

Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим оловчилар билиш жараёнига жалб килинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни кўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш талаба (ёки ўқувчи)ларни ўқитиш ва тарбиялашни янада самарали бўлишини таъминлайдию

Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида Инновацион ва ахборот технологияларни кўллашни тақозо этади. Технологиялар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзиларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш тартиби хақида тўхталамиз. Талаба (ёки ўқувчи)ларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустикал фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берадиган тавсиялар берамиз.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жихатига эътибор қаратилади. Илмий муассасалар билан олий ўқув юртларининг ва саноат корхоналарининг Инновацион фаолияти мазмун-моҳиятан бир-биридан фаркланади. Илмий муассасалар билан олий ўқув юртларининг Инновацион фаолияти ҳақида сўз юритилганида, «илмий-Инновацион фаолият» деган тушунчадан фойдаланиш тўғри бўлади, деб ҳисобланади.

1.3 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш стратегияси

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг самарадорлиги асосларини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда мамлакатнинг илмий-техник салоҳияти ҳам ташкил этади. Иқтисодиётнинг сифат жихатидан янги ҳолатга ўтиши инновация фаолияти, илмий ҳажмдор ишлаб чиқаришларни ривожлантиришнинг ақамиятини оширди, бу охиросида иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитларни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар шароитида илмий-техник салоҳиятни сақлаб қолиш, уни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон учун ҳозирги вақтда инновация жараёнларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш бўйича ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётидаги тажрибасидан ижодий фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса охиросида инновация фаолиятини рақобатлантиришнинг ватанимизда ишлаб чиқилган тизимини шакллантириш имконини беради.

Бутун дунёда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида тан олинган илмий-техника таракқиёти инновация жараёни тушунчаси билан боғлиқ. Бу, америкалик иқтисодчи Джеймс Брайт ҳаққоний равишда қайд

этиб ўтганидек, фан, техника, иқтисодиёт, тадбиркорлик ва бошқарувни бирлаштирувчи ягона ўзига хос жараён дир. Унинг вазифаси янгилик яратишдан иборат бўлиб, ғоянинг туғилишидан бошлаб унинг амалга оширилишигача давом этади ва шу тарика ишлаб чиқариш, алмашилиш, истеъмол муносабатларининг бутун мажмуини қамраб олади. Инновация жараёнларини тартибга солишнинг давлат стратегияси асосан бозор иқтисодиётига ўтиш рақобатнинг ривожланиши ва иқтисодиётда давлат ролининг пасайишини кўзда тутди. Шу билан бир вақтда, факат бозор тамойиллари асосидагина жамиятнинг моддий-техника таракқиёти масалаларини давлатнинг аралашувисиз амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаш хавфли янгилишига олиб келади. Бир қатор функциялар, ва энг аввало, илмий-техника ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давлат томонидан тартибга солиш объекти бўлиб қолиши зарур.

Инновация жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги уларнинг умуммиллий аҳамияти билан эмас, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам тушунтирилади. Бир томондан, ҳозирги вақтда инновация бозор эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ишлаб чиқариш харажатларини рақобатчиларига нисбатан пасайтириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг оладиган фойдасини кўпайтиришнинг асосий воситаси бўлиб бормоқда. Бошқа томондан, классик бозор механизмлари шароитида илмий-техник натижалар олиш анча қийинчилик туғдирар, кўплаб инновациялар эса хўжалик амалиётига жорий этилмай қолар эди. Йирик корпорацияларнинг фаолияти муайян даражада муқаммал рақобат механизмларини ўзгартиради ва қисман илмий-инновация жараёнларининг умумий такрор ишлаб чиқариш сиклига кўшилиб кетиш имконини беради. Лекин XX юз йилликнинг охирида этакчи мамлакатларнинг аксарият тармоқларида юзага келган олигополистик рақобат фан ва техника замонавий ютуқларининг инновация салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишини таъминлашга қодир эмас. Инновациялар шаклланиши ва тарқалиши

мухитида бозор механизмларининг чекланганлигини бир катор йўналишлар бўйича кузатишимиз мумкин.

Биринчидан, айрим хўжалик субъектлари кенг микёсдаги инновацияларни амалга ошириш учун зарур маблағларни тўплай олмайдилар. Илмий билиш жараёнларининг юксалиб, такомиллашиб бориши илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг янада қимматлашиб кетишига олиб келмоқда. Янги илмий натижаларга олиб келмагани, яъни юқори ҳақ тўланадиган кадрлар фаолияти натижасида эришилади; бунинг устига илмий меҳнатнинг фондлар билан қуролланганлиги юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Фаннинг ривожланиши тобора фанлараро характер касб этмоқда. Фан ва техниканинг турли соҳалари вакилларининг ҳамкорликда иш олиб боришлари ҳам кўшимча харажатларни талаб қилади. Янгиликларни жорий этиш эса янада кўпроқ харажатларни талаб этади. Бу ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан боғлиқ капитал қўйилмалар, илмий-техник ахборотларни излаш ва олиш, конъюнктурани прогнозлаш, ходимларни ўқитиш, ташкилий тадбирлар билан боғлиқ сарф-харажатлар, аксарият ҳолларда эса ресурсларни эҳтиётсизлик билан берувчилар ва мақсулот камда хизматларнинг истеъмолчилари билан юзага келган ўзаро муносабатларни ўзгартириш харажатларидир. Янги мақсулотни экспертизадан ўтказиш, патент олиш, сертификат олиш кабилар ҳам анча сарф-харажатларни талаб этади.

Иккинчидан, кўп инновациялар фақат маълум чегаравий минимумдан юқори бўлган микёсларда жорий этилганда ва этарли даражада катта бозор мавжудлигидагина иктисодий жиҳатдан самарали бўлиши мумкин. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ва инновацияларни жорий этиш харажатлари ошиб боргани сари ишлаб чиқариш базаси ва мақсулотни сотиш бозори чекланган алоҳида хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш харажатларида шартли-доимий харажатлар улуши кам ортиб боради, инновацияга сарфланган маблағлар этарли даражада фойда келтирмайди, чунки у бундай ишлаб чиқариш микёсида сезиларли иктисодий

самара ололмайди. Бундай вазиятлар, айникса, капитал айланмаси тезлиги паст бўлган тармоқлар учун хосдир.

Учинчидан, инновацияларни бошкалардан ажралган холда амалга ошириш алохида фирма учун ҳам, умуман иктисодиёт учун ҳам катта йўқотишларга олиб келади. Илмий инновация харажатларининг ошиши билан ИТТКИ ва инновацияларга ўзини окламайдиган кўшимча сарф-харажатлар килиш хозирги маданий жамиятимиз учун ортикча, йўл кўйиб бўлмайдиган ишдир.

Тўртинчидан, умуман тижорат асосида амалга ошириб бўлмайдиган инновация жараёнлари кам мавжуд. Уларга натижаларини одатда тижоратлаштириб бўлмайдиган фундаментал илмий тадқиқотлар киради. Лекин охир-окибатда инновацияларнинг аксарияти фундаментал фан ютуқлари билан бокликдир. Бунга, шунингдек, тўла ёки, асосан жамиятнинг эктиёжларини кондириш учун йўналтириладиган фаолият сокалари ва тармоқлари (мудофаа, сокликни саклаш, таълим ва бошкалар)даги инновациялар ҳам киради. Бундай инновация жараёнларининг харажатлари сўзсиз жамиятнинг барча аъзолари элкасига тушади.

Бешинчидан, инновация лойикалари кўп холларда якуний натижаси ноаниклик даражасининг юкорилиги ва самара олиш вақтининг узоклиги билан ажралиб туради. Тадбиркор ёки фирма инновацияларга маблағ ажратиб, маълум даражада ўзини хавф-хатарга кўяди, бу хавф-хатар бир канча элементлардан иборат бўлади. Технологик хавф лойикани техник томондан муваффақиятсиз чиқиши, хўжалик хавфи эса талаб этиладиган ресурсларнинг хўжалик субъекти тасарруфидаги мавжуд ресурслардан ортиб кетиши, тижорат хавфи эса бозор конъюнктурасининг ноаниклиги, динамик хавф эса лойихани амалга ошириш даврида умумий иктисодий муқитнинг анча-мунча ўзгариб қолиши мумкинлиги билан бокликдир. Тадбиркор капитални сарф этишнинг анча хавфсиз усулларига нисбатан инновация лойихасини афзал кўриши учун ушбу инновация лойихаси муваффақиятсизликка учраган холда юзага келиши мумкин бўлган

зарарларнинг тўла ёки қисман қопланишини кафолатлайдиган муайян ташқи рағбатлар талаб этилади.

Олтинчидан, инновациялардан олинадиган иқтисодий самара турли соҳаларда ва турли шаклларда намоён бўлади. Инноватсия лойиҳалари билан боғлиқ кўшимча самаралар лойиҳани инновациялаштириш босқичида кўзда тутилган фойда микдоридан анча ортиқ бўлади. Инновацияларни тижоратлаштириш имкониятлари бозорнинг кўшимча сегментларини қамраб олиш, инновация технологияларини бошқа тармоқларда қўлланиш, дастлабки ишланма элементларидан фойдаланган қолда бошқа соҳаларда инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш, технологик заңжир орқали этказиб берувчилар ва истеъмолчиларда инновацияларни рақбатлантириш ва қоказолар қисобига қенгайиши мумкин. Лойиқанинг тўлиқ самарадорлигини олдиндан бақолаш (қам салбий, қам иқобий оқибатларни қисобга олган қолда) ва уни амалга ошириш тўқрисида ақосланган қарор қабул қилиш жуда қийин. Бундан ташқари, кўшимча инновация самарасининг анчагина улуши дастлабки инвесторнинг маблағлари сарфланган соҳадан ташқарида оқиниши мумкин.

Еттинчидан, илмий-техник ютуқларга монопол (яққақоқимлик) эгаллик қилиш қисобига доимий равишда ортиқча фойда олишга интилиш мажбур. Ақборот тизимлари ва патент-лицензия механизmlарининг ривожланиши хўжалиқ субъектларининг тижорат нуқтаи-назаридан қамият манфаатлари билан зиддиятга боришга интилишининг олдини олиш имқонини беради.

Сакқизинчидан, янги махсулот ва хизматларнинг юқори қиймати ақсарият қолларда ундан оқмавий равишда фойдаланишни қеклаб қўяди. Бу бевосита қам инновация сиклининг дастлабки босқичларида, қам инновацияларни ўзлаштириш босқичидаги юқори сарф-қаражатлар билан боғлиқдир. Ташқаридан тўловга қобилиятли эқтиёжнинг йўқлиги қақиқий эқтиёж тўғрисида нотўғри тасаввур уйғонишига ёки унинг бузиб қўрсатилишига ва иқтисодиёт учун муқим бўлган инновацияларнинг тарқалишини бирмунча тўхтатиб қўйишга олиб қелиши мумкин.

Давлат органларининг инновация соҳасидаги асосий функцияларига Инновация жараёнларининг юкорида кўрсатиб ўтилган тавсифлари, шунингдек замонавий жамиятда давлатнинг иктисодий ва ижтимоий роли инновацияларни тартибга солиш бўйича давлат органлари функцияларини белгилаб беради. Улардан энг муқимлари куйидагилардан иборат.

1) Илмий тадқиқотлар ва инновацияларга маблағларни тўплаш. Зарур маблақларни бюджет орқали қайта тақсимланишнинг умумий механизмларини амалга ошириш ҳисобига ҳамда махсус жамғармаларни ташкил этиш ҳисобига тўплашга эришиш мумкин. Ушбу функция инновация жараёнларини фақат давлат маблақлари ҳисобидан бевосита молиялаштириш йўли билан эмас, балки хусусий, аксиядорлик, аралаш, жамоат, кўшма (ҳалқаро) структураларда ресурсларни тўплашга кўмаклашиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Давлат кам молиявий маблақларни, кам инновацияларни амалга ошириш учун талаб этиладиган интеллектуал, моддий-техник ресурсларни тўплай олади.

2) Инновация фаолиятини мувофиқлаштириш. Давлат олдида инновация жараёнларининг умумий стратегик йўналишларини белгилаш вазифаси туради. Давлат бунга эришиш учун инновацияларни амалга оширишда турли институтларнинг корпоратсияси ва ўзаро биргаликдаги қаракатларига кўмаклашади. Давлат тузилмалари инновацияларнинг ўзаро қўшилишини таъминлайдиган ягона технологик занжир ва инновация босқичлари бўйича вақт жикатидан мувофиқлаштириш, инновация жараёнларининг циклигини энгиллаштириш долзарб вазифа қисобланади.

3) Инновацияларни рақбатлантириш. Бу эрда рақобатни рақбатлантириш, шунингдек, инновация жараёнлари иштирокчиларига турли молиявий субсидиялар ва имтиёзлар бериш асосий ўрин эгаллайди. Инновация рискларининг давлат томонидан тўла ёки қисман суқурталаниши катта ақамият қасб этади. Давлат эскирган мақсулот ишлаб чиқаргани ёки эски технологиялардан фойдалангани учун хўжалик субъектларига санқтсиялар жорий этиш йўли билан «инновация тайзиқини» ўтқазга олади.

4) Инновация жараёнларининг хукукий базасини яратиш. Жамиятда ва технологияларда юз бераётган ўзгаришларга мувофик равишда ўз вақтида тузатишлар киритиш имконияти ва барқарорликни мужассамлаштирган зарур конунчиликни шакллантиришнинг ўзигина эмас, балки унга риоя қилинишини таъминловчи амалий механизмларни яратиш ҳам муҳимдир. Илмий-техник маҳсулотни яратувчилар ва инноваторларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан муҳофазалаш, яъни интеллектуал ва саноат мулки ҳуқуқларини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин эгаллайди.

5) Инновацияларни кадрлар билан таъминлаш. Давлат ўқув муассасалари таълим дастурларининг мазмуни инновациялар генераторларининг кам ижодий салоқиятини кам мутахассисларнинг инновацияларни ўзлаштиришини ривожлантиришга ёрдам берадиган бўлиши зарур. Универсал камда махсус билимларнинг, шунингдек, инновацияларни тижоратлаштириш тўқрисидаги тасаввурларнинг мутаносиблигига эришишга интилиш зарур. Инсоннинг бутун фаол қайти мобайнида доимий равишда янги билимларни ўзлаштиришга интилиш кўникмаларини шакллантириш муҳимдир.

6) Илмий-инновация инфраструктурасини шакллантириш. Давлат янгиликларни тарқатишнинг асосий каналларидан бири бўлган ахборот тизимларининг фаолиятини таъминлаб беради. Давлат тузилмалари инноваторларга юридик, амалий маслакат ва бошқа хизматларни кам кўрсатади. Давлат, шунингдек, инновация субъектлари ўртасида воситачи ҳам бўлиши мумкин, у шериклар излаб топишда, давлат қафолатлари остида битимлар тузишда ёрдам беради ва коказо.

7) Инновация жараёнларини институтсионал таъминлаш. Бу эрда, энг аввало, давлат сектори тармоқларида (мудофаа, соқликни сақлаш, таълим ва коказо) ИТТКИларни бажарувчи ва янгиликларни амалга оширувчи давлат ташкилотлари ва бўлинмаларини ташкил этишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Давлат, шунингдек, иқтисодиётда инновацияларни шакллантириш ва жорий этиш нуктаи назаридан энг самарали бўлган ташкилий тузилмалар (йирик

корпоратсиялар, кичик бизнес ва бошқалар) ни кенг тарқалишига кўмаклашади.

8) Инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналтирилганлигини тартибга солиш. Давлат, бир томондан, ижтимоий барқарорлик, экологик мувозанатни сақлаш турини таъминлайдиган инновацияларни алоқида кўллаб-қувватлаши зарур. Иккинчи томондан, илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган салбий таъсирларнинг олдини олиш ва бартароф этиш ишларини фақат давлат даражасидагина амалга ошириши мумкин.

9) Инновация фаолиятининг ижтимоий мақомини ошириш. Давлат илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни тарғиб ҳамда ташвиқ қилиш, инноваторларни маънавий рағбатлантиришни ташкил этади, уларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилади ва хоказо.

10) Инноватсия жараёнларини минтакавий тартибга солиш. Федерал ва мақаллий қокимиятлар минтакаларнинг инновация имқониятлари тўла амалга оширилиши учун, шу жумладан турли минтакавий имтиёзлар (солик имтиёзлари ва к.к.) йўли билан кўмаклашадилар. Давлат илмий-техник ва инновация салоқиятини оқилона жойлаштиришга кўмаклашади. Одатда, марказий давлат тузилмалари инновацияларнинг мамлакат кудуди бўйича тарқалиш шарт-шароитларини тенглаштиришга интиладилар.

11) Инновация жараёнларининг халқаро жиҳатларини тартибга солиш. Давлат танланган умумиктисодий ва инновация стратегияси доирасида халқаро илмий-техник ва инновация кооперациясини рағбатлантиради, шунингдек, инновацияларнинг халқаро трансферини тартибга солади.

Инновацион-технологик комплекснинг асосини турли хил соҳаларга оид билимларни генератсияловчи (яратувчи, ишлаб чиқарувчи) алоҳида кичик тизим ташкил этади. Ўз навбатида, мазкур кичик тизим турли фан соҳаларида фундаментал илмий изланишларни амалга оширувчи, ҳар хил илмий ишланмаларни яратувчи ҳамда амалий аҳамиятга молик бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи бир қатор ташкилотларнинг комплексидан иборат. Тарихий тараққиёт жараёнида жамият манфаатлари йўлида турли

илмий изланишларни амалга ошириш, амалий аҳамиятга молик бўлган тадқиқот ишларини бажариш функциясини алоҳида давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва бошқа хилдаги муассасалар бажариб келган. Шу жумладан, олий таълим муассасалари ҳам илмий тадқиқотларни амалга ошириш ишига ўз хиссасини қўшиб келишган.

Профессional йўналишдаги ва айниқса, олий таълим беришга ихтисослашган таълим муассасалари ўз фаолиятини давлат ва жамият манфаатларини қўзлаб амалга ошириб келишган. Шу сабабдан ҳам фундаментал тадқиқотлар ҳамма вақт бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган.

Иқтисодий жihatдан юксак даражада ривожланган мамлакатларда илм фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш асосида турли хил махсулотлар ишлаб чиқариш билан асосан йирик корпоратсиялар шугъулланишади, аммо кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳам бу соҳага ўзининг тегишли хиссасини қўшиб туради. Иқтисодий жihatдан юксак даражада ривожланган мамлакатларда мавжуд барча Инновацион тизимлар бир томондан, йирик, ўрта ва кичик бизнес билан, иккинчи томондан эса, бизнес субъектлари билан инвесторлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ушбу муносабатларни барқарор саклаб туриш учун яхши мослаштирилган.

Европа иттифокига қирувчи давлатларда ўрта ва кичик бизнес тузилмаларига давлат томонидан алоҳида эътибор берилади. Бу бежиз эмас албатта. Зотан, ўрта ва кичик бизнес тузилмалари ташқи муҳит шарт-шароитларининг ўзгариб туришига тезкорлик билан жавоб реактсиясини билдириб, мослаша олиш лаёқатига эгадир. Колаверса, ўрта ва кичик бизнес тузилмалари аксарият ҳолларда илм фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш асосида турли хил махсулотлар ишлаб чиқаришни биринчилардан бўлиб амалга ошириб, йирик корхоналарга Инновацион фаолият билан боқълик бўлган рисклардан химояланиш учун замин тайёрлаб беришади. Ўрта ва кичик бизнес тузилмалари биринчилардан бўлиб инноватсияларни амалиётга татбиқ этиш билан шугъулланишидан ташқари,

хар кандай мамлакатнинг илмий-техник салоҳияти ўзагини ташкил этувчи потенциали кучли илмий-техник кадрларни иш билан таъминлашга хизмат қилишади. Бундан кўришиб турибдики, ўрта ва кичик бизнес тузилмалари иктисодий фаолиятини юритиш давомида ўзига хос ижтимоий функцияларни ҳам бажаришади. Қуйидагилар алоҳида кичик тизим бўлган Инновацион инфратузилманинг асосий элементларини ташкил этади:



ҳозирги кундаги Ўзбекистонда бизнес-инкубаторларни шаклланиши ва ривожланиш контсептсиясини қуйидаги ташкилий тузилмада кўриш мумкин. Илмий адабиётларда Инновацион инфратузилмаларнинг элементларини ташкилий жиҳатдан шакллантириш тажрибаларига оид маълумотлар жуда батафсил ёритилган. Диссертатсиянинг асосий мақсади ва имкониятлари доирасидан келиб чиқиб, бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилади. Фақат таъкидламоқчимиз, сўнгги йилларда Инновацион инфратузилмаларни турли хил илмий тадкот институтлари негизда ташкил этишга кўп эътибор берилмоқда.

Турли тадқиқотчилар томонидан бажарилган илмий изланишларнинг натижасидан маълум бўлишича, Инновацион тараккиётнинг замирида изчиллик билан аниқ мақсадли фаолият юритиб, ижтимоий такрор ишлаб

чикариш тизимининг сарадорлигини оширишга имкон берувчи турли хил инновацияларни яратиш, амалга ошириш эҳтиёжи ётади.

Инновацион фаолиятни ривожлантиришдан кўзланадиган мақсад мамлакат илм-фани ва саноатини Инновацион тараққиёт йўлига бошлаш, ҳар бир алоҳида регионларга ўзига хос Инновацион изланишлар маркази мақсадига эришиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, жойларда илмий-техник тараққиётга асосланувчи тадбиркорликни ривожлантириш, илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни амалиётга татбиқ этиш туфайли юксак технологияларнинг ўзлаштирилишига эришиш, илмий изланишлар натижаларини тижоратчилик асосида сотилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш тизимининг техник жиҳатдан рақобатбардошлигини ошириш, илм-фан соҳасида қилинган кашфиётларни, Инновацион гўя ва лойиҳаларни тайёр маҳсулот, жараён ёки хизмат тури сифатида ички ва ташқи бозорларга чиқарилишига эришиш, ички бозорларда импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқарилишини изга солиш, турли хил ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишдан иборатдир.

Инновацион фаолиятдан кўзланадиган пировард мақсадлар билан белгиланадиган шарт-шароитларда макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши миллий иқтисодиётимизни чуқур илдиз отган инкироз ҳолатидан чиқариб олишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Айни пайтда республикамиздаги ишлаб чиқариш фондларининг аксарият қисми жисмонан ва маънан эскириб қолганлиги боис миллий иқтисодиётимиз хорижий мамлакатлардаги иқтисодий агентлар билан ҳаттоки ички бозорларда ҳам тенгма-тенг рақобат қила олмайди.

Вужудга келган ноҳуш вазиятда чиқиб кетишнинг бирдан бир йўли ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш тизимининг асосини ташкил этувчи, жисмонан ва маънан эскириб қолган ишлаб чиқариш ускуналари ҳажмини кескин қисқартириб, илм-фан соҳасида эришилган замонавий янгиликларни амалиётга жорий этиш, яратилган илғор технологияларни ишлаб чиқариш соҳасида татбиқ қилишдан иборатдир. Бунинг учун эса давлат микёсида

инвестицион ва Инновацион фаолликни ошириш керак бўлади. Акс холда миллий иктисодиётимиз объектив сабабларга кўра умумжаҳон микёсидаги ижтимоий-иктисодий тараккиёт суръатларидан кескин ортда қолиб кетади. Давлат микёсида амалга ошириладиган Инновацион сиёсат негизида ётган конкрет чора-тадбирлар пировард натижада қисқа муддатлар давомида республикамиз илмий муассасалари ҳамда олий ўқув юртларининг илмий-техник ва интеллектуал потенциални юксак даражада ривожлантиришга тўртки бериши ҳамда илмий соҳада эришилган натижаларни самарадорлик билан қўллашга имкон яратиши даркор. Республикамиздаги олий ўқув юртларининг илмий-техник ва интеллектуал потенциални ривожлантириш охири оқибатда регионал микёсларда миллий иктисодиётимизни такомиллаштириб жаҳон иктисодий тизимида интеграциялашишга ёрдам беради.

Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш тажрибаси кўрсатишича, миллий иктисодиётни барқарорлаштириш, саноат ва агросаноат комплексини барқарор ривожлантириш учун иктисодий тизимни Инновацион ривожланиш йўлидан юргизиш керак бўлади. Инновацион ривожланишни йўлга қўйиш учун эса илм-фан соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш, бу соҳада эришилган ютуқларни амалиётга кенг қўламда татбиқ қилиш лозим. Давлат микёсидаги Инновацион стратегияни ҳамда устувор ахамиятли Инновацион дастурларни ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини белгилаб берадиган Инновацион сиёсат ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг ажралмас таркибий бўлагига айлантирилиши даркор.

Давлат микёсидаги Инновацион сиёсат деганда, ишлаб чиқариш соҳасида нисбатан қисқа муддатлар ичида, юксак даражадаги самарадорлик билан мамлакат (регион, вилоят, шакар)нинг интеллектуал ва илмий-техник потенциални ривожлантириб ишга солишга, иктисодий тизим тузилмасини қайта ташкил этишга, технологик ва экологик жикатдан миллий (регионал) иктисодиётнинг хавфсизлигини, ички бозорни рақобатбардош мақсулотлар

билан керакли даражада таъминлашга имкон берадиган ташкилий тизимни ва зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи назарда тутилади.

Миллий иктисодиётимизнинг бугунги колатини эътиборга олиб амалга ошириладиган бозор иктисодиётига принципларига асосланган Инновацион сиёсат пировард натижада республикамизнинг илмий-техник ва кадрлар потенциални ривожлантиришга, миллий иктисодиётимизнинг турли тармоқларида замонавий технологик тизимларнинг қарор топишига, маънавий жикатдан эскириб қолган укладлардан воз кечишга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мақсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. қозирги куннинг энг долзарб ва асосий муаммоларидан бири бу фундаментал фан соқасида яратилган инноватсияларни имқон қадар тезроқ ва самаралироқ тарзда ишлаб чиқариш соқасига татбиқ этишдан иборатлиги қам уни тасдиқлаб турибди.

Ушбу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда давлат ақамиятига молик бўлган «Илмий-техник ва Инновацион сиёсат қонтсептсиясини» ишлаб чиқиш лозим бўлади. қолаверса, республиқамиз бюджет тизими билан бир вақтда мақаллий бюджетлардан ажратиладиган маблақлар салмоқини қескин ошириш қерак.

Хорижий тажрибалар қамда республиқамизнинг иқтимоий-иқтисодий таракқиётидан қелиб чиқиб таъқидлашимиз мумқинқи, олий ўқув юртларининг ресурслар борасидаги потенциалидан мамлақатнинг Инновацион-технологик қомплексини ташқил этувчи асосий элементлар (қичик тизимлар)да албатта фойдаланилади. Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумқинқи, республиқамиз Инновацион тизимининг ақосини олий таълим инфратузилмалари ташқил этади. Шунинг учун қам давлатимиз ҳуқумати олий таълим тузилмаларини республиқамизнинг Инновацион тизимини шаклантиришдагина эмас, балқи давлатимизнинг иқтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш қараёнида ҳам муваффақият билан

кўлланилиши мумкин бўлган асосий интеллектуал ресурслардан бири сифатида қабул қилиши керак.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг турли хил босқичлари ва даражаларида олий таълим муассасаларининг Инновацион потенциалидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги пайтдаги Инновацион тараккиёти модели жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараккиётини таъминлаш жараёнида бир-биридан ажралган ҳамда мустақил бўлган илмий-техник ва ишлаб чиқариш тизимларининг интеграциялашувига эришишга асосланган. Бундай интеграцияни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти тизимининг барча бўғинларида умумий сиёсат принциплари бўйича иш юритилиб, барча чора-тадбирлар ўзаро мувофиқлаштирилиши, илмий-техник соқани изчил ва конкрет мақсад йўлида ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, рағбатлар тизими яратилиши керак. Ушбу фаолиятни амалга ошириш давомида республикамизнинг рақобатчилик курашида устунлик қилишга имкон бериши мумкин бўладиган алоҳида хусусиятларини инобатга олиб иш тутиш зарур.

Ижтимоий тараккиёт тажрибаси далолат беришича, олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси тургъун, вазият тақозосига кўра тез ўзгаришга ва ўз-ўзини қайта тиклай олишга қодир экан. Шу сабабдан ҳам тармоқлараро ва академик илм-фан соҳасида инкирозли қолат юз бераётган бир пайтда жуда катта интеллектуал потенциалга, мустақкам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юртлири тобора кўпроқ илмий-ўқув фаолиятининг марказларига айланмоқда.

Назаримизда, олий ўқув юртлирининг инфратузилмалари миллий миқёсда илм-фан билан ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро бирлаштириши мумкин бўлган Инновацион-инвеститсион инфратузилмаларни шакллантириш учун асос бўла олади.

Республикамизда бозор иктисодиёти асосларини шакллантириб ривожлантиришга йўналтирилган туб ислохотлар даврида олий таълим муассасаларини кўллаб-қувватлаш борасида алохида иш тажрибаси тўпланди. Тўпланган тажрибаларни республикамиз ижтимоий-иктисодий тараккиётининг ўзгариб турувчи устувор йўналишларига мос равишда ривожлантириб бориш керак бўлади. Келажакда давом эттириладиган ислохотлар жараён иштирокчиларидан янада юксакроқ даражадаги профессионаликни, катъий белгиланган устуворликлар, таъкиклар ва чеклашлар шароитида ишлай олишни, республикамизнинг илмий потенциалини ва кучу-қудратини бой бермасликка катта хисса қўшган шахслар, илмий гуруҳлар ва ташкилий тузилмаларнинг турли хил муаммоларига, эктиёжларига нисбатан алохида курмат билан қарай билишликни талаб этади. Шу билан бир вақтда, республикамиздаги олий ўқув юртларининг илмий-интеллектуал потенциалини такрор ишлаб чиқариш (яратиш) жараёнлари замон талабларига мос, рўй бераётган туб ўзгаришларга ҳамоҳанг бўлишлигига алохида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизими негизида амалга ошириладиган фундаментал ва амалий аҳамиятга молик бўлган илмий соҳалардаги тадқиқотларни бажариш борасида бой анъаналар мавжуд, иш тажрибаси тўпланган. Республикамининг илм-фан соҳиблари ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари илмий ишларни бажариши самарадорлиги билан жаҳон микёсида эътироф этилиш имкониятига эга.

II-БОБ. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлиги

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамиз Президенти раҳбарлигида ҳукуматни мамлакат ижтимоий, маданий ва иқтисодий келажагини таъминлашга йўналтирилган ахборот ва коммуникация технологияларини тадбиқ этиш ҳамда ривожлантиришни тезлаштириш стратегияси ишлаб чиқилди. Бу борадаги Президентмизни ташаббуслари йирик стратегик ўзгаришларга туртки бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат ҳукумати ҳозирда ривожланиш юзасидан белгиланган мақсадларига эришиш учун АКТни сингдиришнинг аҳамиятини чуқур ҳис қилгани ҳолда мазкур соҳада кўплаб ислохотларни амалга оширилмоқда. Бу эзгу ишлар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, турмуш даражасини яхшилаш, фан-техника, маданият соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш, замонавий инфраструктурани шакиллантириш, АКТ ни кундалик ҳаётга кенг кўламда жорий этиш орқали сезиларли равишда тезлашади.

Буларнинг оқибатида, телекоммуникация соҳаси шиддатли ривожланаётган ва янги ахборот-коммуникация хизматларининг аҳамияти тобора ошиб бораётган бир вақтда уларни жорий этиш ва тартибга солиш усуллари тадбиқ қилиш, шуҳбасиз, кун тартибидаги энг долзарб масалага айланди. Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши натижасида, республиканинг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, магистрал шаҳарлараро ва вилоят ичидаги алоқа линияларида умумий узунлиги 10000 км. дан ортиқ бўлган оптик-толали кабель ҳамда рақамли радиорелели линиялар ўтказилди. Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 12сентябрдаги «Республика

аҳолисини сифатли телевидение ва радиодастурлар билан таъминлаш» юзасидан чиқарилган ПҚ-172 сон Қарори билан ватанимизнинг алоҳида ва олис ҳудудларида 396 комплект телевизион ва 374 комплект радиоузаткич такомиллаштирилди ва ўрнатилди, республика регионларида CDMA стандартидаги симсиз радио кира олиш тизими жорий қилинди, 1 та сунъий йўлдош алоқасини қабул қилувчи ва узатувчи қурилма ишламоқда.

Миллий маълумотларни узатиш тармоғини такомиллаштириш ва режалаштириш лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида 240 та замонавий маълумотлар узатиш узели вужудга келтирилди, барча вилоят ва туман марказлари миллий маълумотлар узатиш тармоғи билан қамраб олинди.


Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга, бу каналларда оптик-толали ва йўлдошли тизимлардан фойдаланилади.

2009 йил ҳисоботларига кўра республикада телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш соҳасида қуйидагилар амалга оширилди:

- АТСларнинг рақамлаштириш даражаси 88,8 фоизга етди
- «Ўзбектелеком» АК филиаллари томонидан 31 328 портли 179 та «КоинотЭл-СГМ» коммутация қурилмаларини монтаж қилиб эксплуатацияга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда
- Оптик толали кабеллардан самарали фойдаланиш ва тармоқнинг ишончлилигини ошириш бўйича лойиҳалар устида ишлар олиб борилди ва қисман яқунланди. Жумладан: Тошкент-Фарғона водийси йўналишида телекоммуникация транспорт тармоғини DWDM технологияси асосида кенгайтириш бўйича «Huawei technologies Co Ltd» компанияси билан умумий қиймати 4,6 млн АҚШ долл.

Кейинги йилларда уяли алоқа хизматлари бозори ҳам тез ривожланиб, уяли алоқа абонентларининг сони 2009 йил январ ойи ҳолатига кўра, 6 760 минг донага ошди ва 12 650 млн.тага етди, асосий телефонлар 26,2 мингтага ошди ва 1 839 минг донани ташкил этди (2.5-диаграмма).

Бозор муносабатлари ривожланиши билан телекоммуникация бозорида ҳам шиддатли ривожланиш бошланди, у янги (муқобил) алоқа операторлари вужудга келишида намоён бўлди. Бу нарса, асосан, корпоратив секторни телефонлаштиришга таалуқли.




2.1-диаграмма. Мобил алоқа абонентлари сони

Манба: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2009 йилда келиб интернетдан фойдаланувчилар сони 2,6 млн.тани ташкил этди. Маълумотлар узатиш тармоғига уланиш хизматиини кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 856тага етди.

Уяли алоқа хизматларини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 288,9 млн. АҚШ дол.га тенг хорижий инвестициялар соҳага жалб қилинган. Компаниялар ўз маблағлари хисобидан 42,9 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилган. Халқаро ахборот тармоқларидан умумий фойдаланиш тезлиги 1270 Мбит/сек.га етди. Бу 2005 йилга нисбатан фойдаланиш тезлиги 9 баробарга ошди (2.6-диаграмма).



2.2-диаграмма. Ҳалқаро ахборот тармоқларидан умумий фойдаланиш тезлиги

Манба: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 2009 йилга келиб республикада маълумотлар узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қуйидагиларни ташкил этади:

- Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,46 млн. тани ташкил этди.
- Маълумотлар узатиш тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 856 тага етди (ўтган йилга нисбатан 75 тага кўпайган).
- «UZ» домен зонасида иккинчи даражали доменларни рўйхатдан ўтказувчи ташкилотлар сони 7 та, рўйхатга олинган миллий доменларнинг сони 7700 тадан ошди.
- Давлат ахборот ресурслари (ДАР) рўйхатига 115 та ахборот ресурси қўшилди. Бугунги кунга келиб, ресурсларнинг умумий сони 171 тага етди.
- 149 та ДАР ва 48 давлат ахборот тизимларига “рўйхатга олинганлиги тўғрисида” Гувоҳномалар берилган.

Электрон ҳужжат айланиш тизими ва Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар натижасида катор тадбирлар амалга оширилмоқда:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарорига мувофиқ, Давлат интерактив хизматларининг 49 та тури тасдиқланган. Давлат органларида ушбу хизмат турлари бўйича 305 та Давлат интерактив хизматлари (ДИХ) мавжуд.
- Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра 210 тани ташкил этди. Уларнинг 91 фоизи Тошкент шаҳрига ва 5 фоиздан ортиғи Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.
- Рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотларнинг сони 226 тани ташкил этди. Рўйхатдан ўтган дастурларнинг 73 фоизи Тошкент шаҳрига, қолган 14 фоизи Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.
- Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида 1298 тингловчи таҳсил олди. Навоий ва Нукус шаҳарларида Марказнинг филиаллари ташкил этилди.
- “Doppix 2008 Edu” маҳаллийлаштирилган дистрибутивини яратиш ишлари тугатилди. Репозитарийсини ташкил этувчи <http://doppix.uz> веб-портали ишга туширилди.
- “Ўзбекистон электрон кутубхоналар тармоғи” дастурий мажмуасини ишлаб чиқариш жараёни тугатилди.
- Республикада Электрон рақамли имзо калитларининг рўйхатга олиш марказларининг сони 3 тани, Марказлар томонидан берилган калитлар ва калит сертификатларининг сони 28 900 тани ташкил этди.
- 2009 йил 12-13 май кунлари анъанавий “Best-soft Uzbekistan 2009” Дастурий маҳсулотлар миллий кўرғазмаси ва миллий форуми ўтказилди.
- 2008 йил 24 - 26 сентябр кунлари Тошкент ва Андижон шаҳарларида бир вақтда анъанавий ICTExpo-2008 ахборот-технологиялари миллий кўрғазмаси ўтказилди.

Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис дастури ривожланиш тенденцияларига эга (2.2-жадвал).

2.1-жадвал

Хизмат кўрсатиш ва сервис дастури

Кўрсаткич	2008 йил, факт	2009 йил, факт	Ўсиш, %
Стационар телефонлар сони, минг дона	1 902,5	1 916,8	100,8
АТСларни рақамлаштириш даражаси, %	88,0	90,8	105,6
Рақамли телефон зичлиги, 100 киши	5,87	6,24	106,3
Ўалқаро ва шаћарлараро тел.сўзлашувлар, млн.дона	145,9	146,0	100,1

Манба: Ўзбекистон алоқа ва аћборотлаштириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда (2.3-жадвал).

2.2- жадвал

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси

Кўрсаткич	2008 йил, факт	2009 йил, факт	Ўсиш, %
Алоқа ва аћборотлаштириш соҳасида қишлоқ жойларда кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этилиши, та	257	241	94,2
Ўат жўнатмалари, 1000 кишига	315,7	343,8	108,9
Почта корхоналаридаги электрон почта мижозлари, минг дона	3,05	8,06	2,6 баробар

Манба: Ўзбекистон алоқа ва аћборотлаштириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистоннинг асосий телекоммуникация хизматлари бозордаги рақобат МДЎга кирувчи бошқа мамлакатлардагига қараганда секин

ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда телекоммуникациялар бозорида «Ўзбектелеком Интернэшнл», «Buzton», «East Telecom» ҚК лари, шунингдек «Platinum Connect» савдо белгиси асосида «Unitech» ҚК кабилар ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Ўзбекистон уяли алоқа бозорида тармоқнинг бирлашиш ва кичик операторларни сиқиб чиқариш жараёни кузатилмоқда. 2002 йилдан бугунги кунгача Uzdurobita компаниясининг бозор улуши 53,37%, фойизга, Билайн компаниясиники 31,56% бўлса, уяли алоқа бошқа операторларининг улуши 15 % камайди. Олти йил ичида бозордан UzMascom ва SkyTel каби операторлар чиқиб кетди (2.4-жадвал).

2.3-жадвал

Ўзбекистонда уяли алоқа компанияларининг бозор улуши, %

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Uzdurobita	35,65 %	32,09 %	47,49 %	56,35 %	51,6 %	53,31 %	53,37 %	44,8%
Билайн	27,42 %	33,36 %	26,85 %	22,35 %	30,25 %	28,18 %	31,56 %	21,1%
Бошқалар	36,93 %	34,56 %	25,66 %	21,30 %	18,15 %	18,51 %	15,07 %	34,1%

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Таҳлилчилар янги уяли алоқа компанияларининг Ўзбекистон бозорига кириб келиши оқибатида рақобат кучайишини ва Uzdurobita (МТС), Unitel (Билайн), Coscom (Ucell) компанияларининг бозордаги улуши бўйича ўзгаришларни таъкидлашмоқда.

Ўзбекистонда мобил алоқа абонентларининг сони 2009 йил 1 апрел ҳолати бўйича 12,6 млн. кишини ташкил этди. 2012 йилга келиб мобил алоқадан фойдаланувчилар сони 15,2 млн. кишини (кириш даражаси 47,4 фойиз), 2018 йилга келиб эса 17,2 млн. кишини (кириш даражаси 53,6 фойиз) ташкил этиши мумкин. Битта абонентдан келадиган тушум (ARPU) тахминан 12,0 долларни ташкил этишини ҳисобга олинса, уяли алоқа бозорининг умумий ҳажми ҳозирги вақтда йилига тахминан 538 млн. долларни, ташкил

килади, 2012 йилга келиб эса, 2,2 млрд. долларга етади.¹ Фикримизча, йилдан йилга уяли алоқа абонентлари сонининг ўсиш суръатлари пасайиб боради.

2.4-жадвал

2012 йилгача Ўзбекистонда уяли алоқа бозорининг ривожланиши

Йиллар	Статистик маълумот						Башорат	
	2005	2006	2007	2008 Б	2009 Б	2010 Б	2011 Б	2012 Б
Абонент сони, млн.	1,2	2,7	5,888	8,8	12,6	13,2	14,5	15,2
Кириш даражаси, фоиз	4,4 %	10,2 %	21,8 %	32,4 %	41,7 %	47,4 %	51,6 %	53,6 %

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.


Ўзбекистонда уяли алоқа абонентларининг бундай юқори фурсатларда ўсишининг сабаби кучли рақобат муҳитини яратилиши натижасида хизматлар нархининг арзонлашуви ва сифатининг ошиши бўлмоқда. Уяли алоқа хизматиға ҳақ тўлашнинг арзонлиги бўйича мамлакатимиз жаҳонда учинчи ўринда туради.

Миллий Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг халқаро ахборот тармоқларидан, жумладан, Интернетдан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида, йўлдошли ва ердаги рақамли каналлар ёрдамида бевосита алоқа ташкил қилинган. Интернет тармоғига уланишни таъминлайдиган халқаро каналларнинг ўтказиш қобилияти 2008 йилда 819 Мбит/с ташкил этди (2002 йилда 18 Мбит/с эди).

Мамлакатда Интернет хизматлари операторлари ва провайдерлари сонининг мунтазам ошиб бориши рақобат муҳитининг шиддатли ривожланишиға олиб келди. 2009 йил бошиға келиб Интернет тармоғидан фойдалана олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 937 тани ташкил этди (2002 бошида 88 та эди).


¹ «AVESTA RESEARCHES» компаниясининг тайёрлаган расмий ҳисоботлари асосида

2009 йил бошигага келиб, Ўзбекистон Республикасида Интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминий сони 2 млн. 600 минг кишигача етди (2002 йил бошида 130 мингга яқин эди).




2.3 –диаграмма. Интернет ва маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари ҳамда провайдерлариинг сони

Ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича 2008 йил бошида UZ домен зонасида 5766 дан ортиқ веб-сайт мавжуд эди, 2005 йилда 6693 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йил I квартали бўйича эса 7 мингдан зиёд бўлди. UZ зонасида доменларни рўйхатдан ўтказиш 6 та расмий рўйхатга олувчи томондан амалга оширилмоқда.



2.4-диаграмма. 1000 та яшовчига тўғри келадиган Интернет, уяли ва стационар алоқадан фойдаланувчилар сони



2.5-диаграмма. .UZ домен зонасидаги веб-сайтлар сони

Манба: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ахборот ресурслари. ZiyoNet илмий ва таълим тармоғи Ўзбекистон Республикаси илмий, таълим, тиббиёт муассасаларига, ноҳукумат ва

нотижорат ташкилотларга Интернетдан пулсиз фойдалана олиш такдим этилишини, ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар ўқитилишини ва тайёрланишини, Ўзбекистон Республикаси илмий ва маданий бойликлари тўғрисида ахборот тарқатилишини таъминлайди.

Миллий излаш тизими WWW.UZ келажакда Интернет тармоғи миллий сегменти барча фойдаланувчилари учун ахборотдан тезда фойдалана олишларида асосий дастак бўлиб қолиши керак.

«ZiyoNet» ахборот тармоғи – бу ягона ахборот ресурсига эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғи бўлиб, илмий, ўқув-таълим, ёшлар ва болалар муассасалари хусусидаги ресурсларни бирлаштиради.

Давлат ахборот ресурслари портали «GOV.UZ» глобал Интернет компьютер тармоғидаги асосий ва расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Бу ресурс Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисида фуқароларни ва халқаро жамоатчиликни янада кенг хабардор қилиш, шунингдек, давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ахборот ҳамкорлигини таъминлаш учун яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик миллий маълумотлар базасининг ахборот қидирув тизими «Lex.Uz» аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини оширишда, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдалана олишини таъминлашда, жамиятнинг ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такоммиллаштиришда кенг қўлланилади.

Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари фаолиятини лицензиялаш тартибининг соддалаштирилиши ҳам улар сонининг ошишини таъминлади. Республикада маълумотлар узатиш тармоқларининг қатор операторларида мавжуд бўлган, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларининг умумий сони 2008 йил бошида 781 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра уларнинг сони 928 тага етди (2002 йил бошида 26 та бўлган).

Республикада АКТнинг дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони 2008 йил давомида 1,4 марта ошди ва 2009 йил 1 январ ҳолатига 212 та компаниядан иборат. 2008 йилда рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар сони 166 тани ва маълумотлар базаси сони 16 тани ташкил этди.

Рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотлар ҳамда маълумотлар базасининг умумий сонидан 41%- олий ўқув юртлари ҳамда ўқув муассасаларига, 18% - тиббиёт соҳасига 15% - ахборот-коммуникация технологияларига, 12% - технологик жараёлар, автоматлаштириш ва интеллектлаштириш тизимларига, 5% - бухгалтерия ҳисобот ва банк соҳасига тегишлидир.

Мутахассисларнинг таҳлили ва баҳолашларига кўра, Ўзбекистондаги дастурий маҳсулотлар бозорининг умумий ҳажми 2008 йил бошида 10,5 млн.АҚШ долларидан, 2009 йилга келиб 14,7 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди, йиллик ўсиш 10-15 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқиладиган дастурий маҳсулотларнинг 50-60 фоизи маълумотлар базасини бошқариш тизимларига, 15-25 фоизи веб-дизайнларига тўғри келди. Таҳлилларимиз кўрсатишича, бухгалтерия ҳисоби, тўлов тизимлари, банк инфраструктурасининг ишлашини қўллаб-қувватловчи дастурий маҳсулотларга бозорда талаб ошиб бормоқда. Банк сектори телекоммуникация сектори билан бир қаторда, Ўзбекистонда дастурий таъминотнинг асосий буюртмачи-истеъмолчилари ҳисобланади. Шулар қаторида сўнги вақтда республикада электрон хужжат айланиши тизимларига ҳам борган сайин талаб ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда экспортга мўлжалланган дастурий таъминот бозори эса ўзининг шаклланиш босқичга кирди. Мутахассисларнинг баҳолашига кўра, Ўзбекистондан экспорт қилинадиган дастурий таъминотнинг умумий ҳажми 2007 йил бошида 1,5 млн.дан охирига келиб, 5 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди.

2008 йилда ЎзААА ташкилот ва корхоналари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 46,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

АКТ ва компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан «Эркин ва очиқ дастурий таъминотни ривожлантириш ва қўллаш дастури» қабул қилинди. Бу дастурга мувофиқ, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қуватлаш маркази томонидан «эркин ва очиқ дастурий таъминотни локаллаш» лойиҳаси доирасида Linux миллий операцион тизимини маҳаллийлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада компьютер саводхонликни ошириш ва таълим муассасаларини ахборотлаштириш, ўқувчиларни АКТ дан фойдаланишни кенгайтириш, электрон ўқув қўлланмалари ва курслар тузиш жараёнлари жадал бормоқда. АКТ ни самарали бошқаришда молиявий ресурсларни ва профессионал кадрларни етишмаслиги туфайли, мамлакат регионлари ва олий ўқув юртлари бўйича электрон тайёргарлик кўрсаткичлари индекслари тарқоқ. Таълим муассасаларини бу соҳадаги ўртача даражаси ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада қолмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолият самарадорлигин таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий стратегияси тармоқни модернизациялаш ва техник технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Соҳа тараққиётининг инновацион йўналишини белгилашда қуйидаги масалар ечими алоҳида аҳамият касб этади:

- соҳа корхоналари моддий-техника базасини кўтариш, янги замонавий техник асбоблар билан жихозлаш, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва уларга алоҳида эътибор қаратиш;

- глобаллашув шароитида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва уларни амалга оширишда чет эл сармояларидан самарали фойдаланиш;

- соҳа ривожланишида республика иқтисодий-сиёсий ислохотларидан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва ҳуқуқий асосларни кенгайтириш;

- алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришда ана шундай бири билан узвий боғланган иқтисодий чора-тадбирлар айти вақтда жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш ва унинг оқибатларини енгиллаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш моделининг самарали амалга оширилишига асос яратади.

2.2. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ инновацион фаолияти таҳлили

Ҳозирги пайтда бутун дунёда АКТни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган устуворликларнинг аҳамиятини англаш кучайиб бормоқда. Уларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилади. Улар одамларга ўз салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур жараёнлардан четда қолаётгани йўқ, ва глобал ахборот жамиятини шакллантиришда тобора фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг узоқ истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳам ахборот жамиятига томон ҳаракатланиш, уни шакллантириш омиллари ва шарт-шароитларини яратиш ва амалга оширишга йўналтирилган. Бундай стратегия Ўзбекистонга жаҳон иқтисодий маконига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида кириб бориш имконини бермоқда.

Ахборот-коммуникация хизматлари имкониятларининг ўсиб бориш тенденцияси Ўзбекистонга ҳам тўла маънода тегишлидир. 2004-2008 йиллар мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари бозорини ривожлантириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборот-коммуникация

технологиялари соҳасидаги мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишига ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда Президентимиз “Сўнгги тўрт йилда АКТ соҳаси 50 % ўсиш суръатларига эришганлигини²” алоҳида таъкидладилар.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ушбу битирув малакавий ишда ахборот жамияти шаклланаётган шароитда почта алоқаси хизматлари самарадорлиги таҳлили амалга оширилди.

Ўзбекистон почтаси ОАЖ нинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
1.	Алоқа хизматларидан даромад	36 822,0	52 796,3	68 943,8	88 141,1
2.	Харажатлар	33 957,8	47 889,9	62 075,4	79 502,4
3.	Умумхўжалик фаол.фойда - хаммаси	2 009,0	2 869,5	4 348,3	5 251,0
4.	Соф фойда	1 319,4	1 883,5	2 939,9	3 686,4
5.	Пенсия тўловларининг умумий даромаддаги улуши	47,1	52,5	51,6	54,5
6.	Ўртача иш ҳақи (1 ходимга)	89 943	134 741	186 686	257 855
7.	Сотиб олинган асосий воситалар	2 252,9	2 292,9	3 182,4	2 484,5
8.	Жамият балансидаги почта алоқаси объектлари бинолари	914	1 957	1 982	2 101
9.	Банклар кредити ва бошқалар	0	0	0	1 560
10.	Кредитлар бўйича қарздорлик	0	0	0	0

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ҳозирги кунда бир нечта йўналишларда хизматлар кўрсатиб келмоқда. Тадқиқот ишимизда, почта алоқаси

² Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни бешта асосий гуруҳга бўлиб ўргандик. Бу гуруҳлар қўйидагилардан иборатдир:

- Асосий хизмат турлари;
- Шартнома асосида кўрсатилаётган хизмат турлари;
- АКТ асосланган хизмат турлари;
- Молиявий хизмат турлари;
- Бошқа хизмат турлари.

Юқорида келтирилган тақсимотга асосланган ҳолда почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси қўйидаги 2.1-жадвалда келтирилган.

Почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари таҳлили натижаларига кўра, даромаднинг асосий қисми шартнома асосидаги хизматлардан олинар экан, бу хизматлар улуши 2009 йилда 63,5% гача етган бўлса, 2010 йил якунларига кўра 63.1 % ташкил этиган. Демак пасайиш 0.4 % тенг бўлган. Шартнома асосидаги хизмат турлари бўйича пасайишнинг асосий сабаби пенсия туловлари бўйича даромад улушини 1.2 % камайишини курсатишимиз мумкин. 2007-2008 йилларда асосий хизмат турлари улуши ўзгармай қолган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 0,2% камайган ва 9,6 % ташкил этган. Почта алоқаси объектларининг 2010 йилда самарали фаолияти юритиши натижасида асосий хизмат турларидан олинган даромад улуши 10.5% ташкил этган бу 2009

2.1- жадвал

Почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси

№	Хизматлар номи	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
Жами даромад		100%	100%	100%	100%	100%	100 %
1. Асосий хизмат турлари							
1.1	Хат жўнатмалари	5,2%	5,4%	4,4%	4,1%	4,0%	3.8%
1.2	Посилкалар	1,6%	1,8%	1,7%	1,5%	1,5%	1.6%
1.3	Пул жўнатмалари	4,2%	3,7%	3,7%	4,2%	4,1%	5.1%
Асосий хизматлари жами		11,0%	10,9%	9,8%	9,8%	9,6%	10,5%

улуши							
2. Шартнома асосида кўрсатилаётган хизмат турлари							
2.1	Пенсия тўловлари	42,0%	42,0%	47,1%	52,5%	52,9%	51,7%
2.2	Даврий нашрларга обуна	7,2%	6,7%	6,7%	6,2%	6,3%	6,5%
2.3	Даврий нашрларни сотиш	1,7%	1,5%	1,5%	2,5%	2,7%	3,0%
2.4	Телеграмма	0,4%	0,3%	0,2%	0,2%	0,3%	0,4%
2.5	Халқаро сузлашув	0,4%	0,4%	0,4%	0,2%	0,3%	0,35%
2.6	Курьерлик хизмати	0,54%	0,6%	0,7%	0,8%	1,1%	1,15%
Шартнома асосида хизматлари жами улуши		52,24%	51,50%	56,6%	62,4%	63,5%	63,1%
3. АКТ асосланган хизмат турлари							
3.1	Интернет, Электрон почта	0,08%	0,09%	0,056%	0,02%	0,015%	0,02%
3.2	Факс, ксерокопия	0,25%	0,02%	0,016%	0,02%	0,014%	0,1%
3.3	Электрон тўловлар	0,005%	0,007%	0,01%	0,071%	0,071%	0,1%
АКТ асосланган хизматлари жами улуши		0,3%	0,12%	0,08%	0,2%	0,1%	0,2%
4. Молиявий хизмат турлари							
4.1	Коммунал тўловлар	15%	13,6%	13%	11,6%	10,9%	10,3%
4.2	Абонент тўлови	1,2%	1,1%	1,0%	0,5%	0,4%	0,5%
4.3	Суғурга хизматлари	0,045%	0,065%	0,08%	0,07%	0,1%	0,2%
Молиявий хизматлари жами улуши		16,25%	14,77%	14,08%	12,17%	11,4%	11,0%
5. Бошқа хизмат турлари							
5.1	Лотарейя сотиш	0,5%	0,4%	0,7%	0,4%	0,4%	0,4%
5.2	Товарлар сотиш	5,5%	5,4%	3,6%	3,4%	3,5%	3,2%
5.3	Бошқа кўшимча хизматлар	14,2%	16,2%	14,9%	11,4%	11,5%	11,6%
Бошқа хизматлари жами улуши		20,20%	22,00%	19,2%	15,2%	15,4%	15,2%

йилга нисбатан 0.9% куп демакдир. Бу ижобий натижа ҳисобланади. Шунингдек, молиявий ва бошқа хизмат турлари бўйича ҳам камайиш кузатилган, мос ҳолда 0,4% ва 0,2% ташкил этган. АКТ асосланган хизмат турлари улушини пастлиги алоҳида эътибор талаб этади. Бу хизматлар улуши атиги 0,1 % тенг бўлган. АКТ такомиллаштириш кучайтирилаётган шароитда ушбу жуда паст ҳисобланади. АКТларини жадал ривожланаётган даврда бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади. Битирув малакавий ишда соҳанинг ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири бу соҳага ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизматларни жорий этиш эканлиги келтирилган эди. Ҳисобот йилида молиявий ва бошқа хизматлари улушида ҳам мос ҳолда -1.91% ва -4.0%га пасайгани кузатилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида маркетинг фаолиятини ривожлантиришга асосий таъсирини кўрсатувчи хизматлар гуруҳларида даромаднинг пасайиши кўзатилган, яъни:

- АКТ асосланган хизмат турлари;
- Молиявий хизмат турлари;
- Бошқа хизмат турларидан олинган даромадлар улуши йилдан йилга пасайиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, соҳани ривожлантириш ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида янги почта хизматлари рекламасини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бўйича тадбирларни жадал амалга ошириш лозим.

Почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш заминида, рентабеллик ва самарадорлик даражаси паст бўлган ҳамда истеъмол хусусиятини йўқотган хизматлардан воз кечиб, янги замонавий, юқори рентабеллик ва самарадорлик даражасига эга, энг асосийси эса истеъмолчилар эҳтиёжларига мос келувчи хизматларни жорий этишни тушуниш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бу жараённи доимий равишда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки кучли рақобат шароитида ҳар бир хизматни кўрсатиш учун маълум миқдорда харажат ва ресурслар талаб этилади. Ҳар бир иқтисодий жараёнда қатнашувчи ресурслар маълум бир миқдорда чегараланган бўлади. Чегараланган ресурслардан самарасиз фойдаланиш эса рақобатбардошликни пасайишига ҳамда бозор сегментини йўқотишга олиб келади. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маркетинг ва инновацион фаолиятни, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожланиши ҳамда улар заминида янги хизмат турларини жорий этилиши бевосита почта алоқаси соҳасида ҳам хизматлари нуфузини кучайтиришни тақозо этади.

Почта хизматлари соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бир томондан

истеъмолчилар талабини қондирувчи почта хизматларини жорий этиш ҳамда кўрсатишга замин яратса, иккинчи томондан қўшимча хизмат турларини кенгайтириш орқали қўшимча даромад манбаини шакллантиришга асос бўлади. Почта хизматлари диверсификациясини кучайтиришдан яна бир асосий мақсад соҳасини ташқи молиявий манбаларга қарамлигини камайтиришдир. Таҳлил натижаларига кўра шартнома асосида кўрсатилаётган хизматлари почта даромадларидаги улуши 2007 йилда 56.6 % тенг бўлса, 2008 йилга келиб 5.8% ортган ҳамда 62.4% ташкил этган бўлса. 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 63,5 % тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 63,1%. Бу рақамлар ҳам соҳада хизматлар соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш лозимлигини исботлайди.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини ривожлантириш, почта алоқаси соҳасини рақобатбардошлигини оширадиган ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлайдиган асосий воситалардан бири соҳани юқори самара берадиган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондирувчи ўзига тегишли хизматларга эга бўлишидир.

Ҳозирги пайтда “Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ универсал почта хизматлари бозорида монополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кўрадиган бўлсак, кучли рақобатга дуч келамиз, жумладан курьерлик хизматлари бўйича 10 ортиқ курьерлик ташкилотлари фаолият юритмоқда, пул жўнатмалари бўйича эса 20 ортиқ банклар, коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, универсал почта хизматлари бугунги кунга келиб паст самара берадиган хизмат турлари гуруҳига тегишли эканлигини юқорида келтирилган таҳлил натижалари ҳам исботлади. Демак, соҳани ривожлантириш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган универсал хизмат турларини янги ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш ҳамда кучли рақобатга эга бўлган

кўшимча хизмат турларини жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига- бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими-ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак³” деб таъкидлаб ўтган эдилар. Юқорида келтирилган фикрни исботини почта алоқаси соҳасида маркетингни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда фикримизча, почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш, соҳада кўшимча хизмат турларини кенгайтириш ҳамда почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси яққол тасвирлаш мақсадида жамиятнинг асосий молиявий натижаларнинг ўзгариш динамикасини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.2-жадвал

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ иқтисодий ижтимоий ривожланишини асосий кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар номи	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
1.	Хизматлар сотишдан даромад	28 992,0	36 822,0	52 796,3	68 943,8	88 141,1
2.	Харажатлар	26 507,6	33 957,8	47 889,9	62 075,4	79 502,4
3.	Умумхўжалик фаол.фойда - хаммаси	1 852,3	2 009,0	2 869,5	4 348,3	5 251,0
4.	Соф фойда	1 086,2	1 319,4	1 883,5	2 939,9	3 686,4

³ Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йилгиликда сўзлаган маърузаси.

5.	Ўртача иш хақи (1 ходимга)	66 188	89 943	134 741	186 686	257 855
6.	Сотиб олинган асосий воситалар	1 167,8	2 252,9	2 292,9	3 182,4	2 484,5
7.	Банклар кредити ва бошқалар	0	0	0	0	1 560
8.	Кредитлар бўйича қарздорлик	0	0	0	0	0

2.2-жадвалда келтирилган “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ иқтисодий ижтимоий ривожланишини асосий кўрсаткичлари таҳлилига кўра барча кўрсаткичлар бўйича узиш суръатлари кузатилган. Аммо даромадлар ва харажатларнинг узиш даражаси пропорционал тарзда амалга ошмаган. Жумладан агар 2010 йилда даромадлар 88 141,1 млн сўм ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2009 йилда 68 943,8 млн сўмни ташкил этган ва 2009 йилга нисбатан даромадлар 127 % ортганини кузатишимиз мумкин. Харажатлар эса 2009 йилда 62075,4 млн сўмга тенг бўлган булиб бу курсаткич 2010 йилга келиб 128,1 % ортган ва 79 502,4 млн сўмни ташкил этган. Соф фойда миқдорини тадқиқот даври мобайнида ижобий томонга узгариб борганлиги қувонарли ҳолат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш корхонанинг салоҳиятини ортишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси соҳасига чет эл ҳамда республика ичкидаги молиявий манбалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ фақат 2010 йилга келиб банк кредит ресурсларидан фойдаланган. 2010 йилда банкдан жалб этилган кредит ресурслари миқдори 1 560.0 млн сўмни ташкил этган. Бугунги кунга келиб банк кредит ресурслари бўйича қарздорлик мавжуд эмас.


Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантиришда ходимларнинг урни ва аҳамияти бекиёсдир. Ходимларни ўз лавозим функцияларини сидқидилдан ёндашишлари ва бажаришлари учун уларни моддий манфаатдорлигини ошириш лозим ҳисобланади. Ходимларнинг

моддий манфатдорлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири бу ўртача иш ҳақи ҳисобланади.

Ўртача иш ҳақининг таҳлили 2.1-расмда келтирилган.

2.1-расм


Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар бўйича ўртача иш ҳақи ҳақи динамикаси, минг сўм



Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар бўйича ўртача иш ҳақи ҳақи динамикаси таҳлилига кўра “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бўйича ўртача иш ҳақи миқдори йиллар давомида ортиб боришига қарамасдан соҳа бўйича ўртача иш ҳақи миқдорига нисбатан паст даражада. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, агар 2006 йилда почта алоқаси соҳаси бўйича иш ҳақи соҳадаги ўртача иш ҳақи 68 %ини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 71%, 2008 йилда 76 %, 2009 йил якунлари бўйича 79 % ҳамда 2010 йил якунлари бўйича эса 80 % тенг бўлган. Ўртача иш ҳақи миқдори сезиларли даражада ортган бўлсада жамият олдида почта алоқаси ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича чора тadbирларни кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бугунги кунда почта алоқаси ходимлари иш ҳақи бўйича ўртача иш ҳақи соҳадаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2.3. . “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ инновацион фаолиятини ривожланганлик ва таъминланганлик даражаси

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини интернет
кафелар билан таъминланганлиги таҳлили




“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини интернет кафелар билан таъминланганлиги таҳлилига кўра 2011 йилнинг биринчи чораги якунлари маълумотларига асосан почта алоқаси тармоғида жами 48 интернет кафе фаолият юритмоқда. Интернет кафелар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд ва Хоразм филиалларига тегишлидир. Ушбу филиалларда 6 дан интернет кафелар фаолият юритмоқда. Почта алоқаси тармоғида интернет кафеларнинг сони энг кам бўлган филиал бу Навоий ва Наманган филиаллари ҳисобланади. Ушбу филиалларда бугунги кунга келиб 2дан интернет кафелар фаолият олиб бормоқда. Почта алоқаси тармоғида интернет кафелар фаолиятини ривожлантириш орқали янги хизмат

турларини кўрсатиш имконияти яратилади. Жумладан, интернет хизматлари, электрон почта, электрон тўловларни қабул қилиш, электрон хужжат алмашувини таъминлаш ва хоқозалар. Интернет кафеларни кенгайтириш орқали почта алоқаси шаҳобчаларини янги ахборот коммуникация технологиялари билан жихозлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида почта алоқаси шаҳобчаларини модернизация қилиш ва замонавийлаштиришга замин яратади. Почта алоқаси тармоғида интернет кафелар сони таҳлилдан кейин бевосита ушуб интернет кафеларда мавжуд компьютер технологиялари сонини таҳлил қилиш мақсадга мавофикдир. Чунки интернет кафеларда мавжуд компьютерлар сони орқали унинг иш самарадорлигини аниқлаш мумкин бўлади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларида очилган Интернет кафеларни персонал компьютерлар билан таъминланганлиги таҳлиliga кўра 2011 йил биринчи чораги якунларига кўра жами 243 дона компьютер мавжуд экан. Бу ўртача бир интернет кафега 5 компьютер тўғри келади деганидир. Компьютерлар сони бўйича Самарқанд филиали илғорлик қилиб келмоқда, яъни ушбу филиалда 28 дона компьютер мавжуд. Интернет кафеларда мавжуд компьютерлар сони бўйича энг паст кўрсаткич Сирдаё ва Тошкент почтамтига тегишлидр. Ушбу филиалларда очилган интернет кафеларда жами 14дан компьютер ишлатилмоқда. Ўртача хисоблаганда битта интернет кафега 4 донадан компьютер тўғри келади.

Интернет кафелар ҳамда уларда ишлатилаётган компьютерлар сони таҳлилидан сунг бевосита “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ҳамда унинг худудий филиалларини компьютерлар билан таъминланганлигини таҳлил этиш мақсадга мувофик ҳисобланади.


“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини персонал компьютерлар билан таъминланганлиги таҳлили



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютерлар билан таъминланганлиги таҳлилига кўра 2011 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича жами 2921 дона компьютер мавжуд экан. Бу курсаткич 2010 йил якунларига кўра қарийиб 500 донага ортиқдир. Лекин, мавжуд компьютер техникасининг 248 донаси интернет кафееларда, 113 донаси бошқарув аппаратида ҳамда 426 донаси тошкент постамит филиалида ишлатилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак ушбу курсаткич нисбатан анча пастлигини куришимиз мумкин. Яна бир ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик лозимки ахборот коммуникация технологиялари даври ҳисобланган даврда ҳар бир почта алоқаси шаҳобчаларини тўлиқ ахборот технологиялари билан таъминлаш лозимдир. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютерлар билан таъминланганлиги таҳлилида ушбу талаб бажарилмаётганлигини куришимиз мумкин. Чунки бугунги кунда акциядорлик жамияти таркибида 2986 дона почта алоқаси шаҳобчалари фаолият юритмоқда. Демак, почта алоқаси

шаҳобчаларини компьютер техника ҳамда янги ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражасини оширмас эканмиз янги хизмат турларини жорий этиш масаласини ижобий ҳал этиб бўлмайди. Сузимизни исботини кейинга жадвалларда келтирилган таҳлилий маълумотлардан топишимиз мумкин.


“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини серверлар билан таъминланганлиги таҳлили



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини серверлар билан таъминланганлиги таҳлили маълумотларидан келиб чиққан ҳолда шунини таъкидлаш лозимки, бугунги кунда акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий филиалларида жами 212 дона сервер қурилмаси урнатилган. Сервер қурилмаларининг асосий вазифаси бевосита интернет ҳамда ички тармоқни фаолият юритишини таъминлашдан иборатдир. Сервер қурилмаси мавжуд бўлган ҳолатлардагина янги замонавий хизмат турларини жорий этиш имконияти пайдо бўлади. Баъзи филиалларда серверлар сонинг нисбатан

камлиги бевосиат ушуб филиалларда янги хизмат турларини жорий этиш бўйича муаммоларни келиб чиқармоқда. Жумладан, Тошкент почтамати ҳамда Ўзбекистон маркази филиалларида 1 дондан серверлар ишлатилмоқда. Ушбу йуналишдаги таҳлилни якуни сифатида акциядорлик компанияси ва унинг худудий филиалларини интерактив хизматлар курсатишини таъминлашда янги замонавий серверлардан фойдаланиш орқали корпоратив тармоқдан самарали фойдалиш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини принтерлар билан таъминланганлиги таҳлили



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини принтерлар билан таъминланганлиги таҳлилини амалга оширишдан асосий мақсад янги хизмат турларини жорий этишнинг бугунги ҳолатини баҳолашдан иборатдир.


Тадқиқот даври мобайнида акциядорлик жамиятида жами 1791 донда принтер мавжуд экан. Принтерлар сони юқори бўлган филиаллар сарасига

Тошкент почтамти 387 дона ҳамда Самарқанд филиалини 151 дона принтер киритиш мумкин. Принтерлар сони кам бўлган филиалларга Ўзбекистон маркаси 5 дона принтер ҳамда Сирдарё филиали 48 дона принтер киради.

Умуман олганда принтерлар сонини ошириш ҳамда почта алоқаси шаҳобчаларини принтерлар билан таъминлаш орқали турли янги қушимча хизмат турларини жорий этиш имконияти туғилади. Жумладан таклифномалар, буклетлар, турли рангли жилдларни ишлаб чиқиш ҳамда сотиш каби хизматларни жорий этиш ва курсатиш.

Почта алоқаси соҳасини турли ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланганлигини баҳолашда почта алоқаси бўлимларини бевосита персонал компьютерлар билан таъминланганлигини зрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки почта алоқаси соҳасида хизмат курсатиш жараёнини асосий қисми почта алоқаси бўлимларини амалга оширилади. Демак почта алоқаси бўлимларини янги ахборот технологиялари билан таъминланганлигини баҳолаш замирида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йулларини белгилаб олиш имконияти вужудга келади.


“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютер мавжуд почта алоқаси объектлари сони таҳлили



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютер мавжуд почта алоқаси объектлари сони таҳлиliga кўра мавжуд 2986 донa почта алоқаси бўлимларидан фақат 27 % яъни 814 почта алоқаси бўлимида персонал компьютер мавжуд экан. Ҳудудий филиалларини персонал компьютер мавжуд почта алоқаси объектлари таҳлиliga кўра энг юқори кўрсаткич Тошкент почтамтига тегишлидир, яъни 85%, кейинги уринда Тошкент филиали 41% эгаллаган. Ҳудудий филиалларини персонал компьютер билан энг кам таъминланган почта алоқаси объектлари қўйидаги филиаллардан мавжуд: Қашқадарё филиали-10%, Сурхондарё филиали-13%. Бутун жаҳонда ахборот коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган шароитда, шунингдек, жаҳон почта алоқаси тармоғида ахборот коммуникация технологиялари тезкорлик билан жорий этилаётган вақтда интернет ва ички тармоққа уланиш учун бирламчи восита ҳисобланган компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси юқори

бўлиши талаб этилади. Ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланган даражада 100 % булгандагина янги замонавий хизмат турларини жорий этиш, виртуал хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Шу уринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, МДХ давлатлари орасида Россия, Белорус, Украина каби давлатларда кибер-почта жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу давлатларда анаъанвий хизмат турлари билан бир қаторда янги замонавий ахборот технологияларига асосланган виртуал муҳитда ишлайдиган хизматлар ривожланиб бормоқда. Янги ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизмат турларидан бири бу биллинг тизими ҳисобланади. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини биллинг тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлили қўйидаги жадвалда келтирилган.


“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини биллинг тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлили



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини биллинг тизимиغا уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлилига кўра олтига худудий филиалларда бугунги кунда биллинг тизими почта алоқаси бўлимларида урнатилмаган. Умуман олганда, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бўйича биллинг тизимиغا уланган почта алоқаси бўлимларини улуши 5 % ташкил этади холос. Энг қизиқ маълумот сифатида биллинг тизимиغا уланган 164 мавжуд почта алоқаси бўлимларининг 121 донаси Тошкент почтамтига тегишлидир. Бу жараён ҳам бугунги кунда почта алоқаси бўлимларида янги ахборот коммуникация технологиялари асосида жорий этишда катта тусиқ вазифасини бажаради. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш орқали рақобатбардошлик даражасини ошириш ҳамда сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашда барча

почта алоқаси бўлимлари янги замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланиши ҳамда янги хизмат турларини жорий этиш имкониятига эга бўлиши даркор. Бугунги кунда почта алоқаси тармоғида жадал ривожланиб бораётган хизмат тури бу электрон пул утказмалари хизмати ҳисобланади. Тадқиқот ишининг кейинги жадвалида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини электрон пул утказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлили амалга оширилган.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини электрон пул утказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлили



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини электрон пул утказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлиliga кўра бугунги кунда электрон почта утказмалари жорий этилган почта алоқаси бўлимлари улуши 24 % ташкил этади. Бу жами почта алоқаси бўлимларини 728 донаси демакдир. Электрон почта утказмалари жорий этилган почта алоқаси бўлимлари бўйича энг юқори кўрсаткич 58 % ташкил этиб бу Тошкент почтамти филиалига тегишлидир. Кейинги уринни Тошкент филиали 38 % билан эгаллаб турибди. электрон почта утказмалари жорий этилган почта алоқаси бўлимлари бўйича энг паст кўрсаткич Қашқадарё ва Сурхондарё филиалларига тегишлидир. Яъни мос ҳолда 10 % ва 11%. Ахборотлашган жамият шаклланаётган бир шароитда электрон пул утказмалари хизмати почта алоқаси соҳасининг асосий дармад манбаларидан бирига айланиб бормокдаки, бу жараёндан ортда қолиб провард натижада

ушбу хизмат турини банкларга утиб кетишига олиб келиши мумкин. Демак хулоса урнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, почта алоқаси объектларини янги хизмат турлари билан таъминлаш мақсади илгари сурилган даврда электрон пул утказмалари хизматини барча почта алоқаси объектларида курсатилишини таъминлаш орқали почта алоқаси объектларини рақобатбардошлигини оширишга замин яратиш имконияти пайдо бўлади. Бу ҳолат эса провард натижада соҳани ахборот технологиялари билан тулиқ жихозлаш ва сифатли янги замонавий хизмат турларини жорий этишга асос бўлиб хизмат қилади. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ қўшимча хизмат турлари сифатида шартнома асосида турли коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилади. Бундан бир неча йил олдин жаҳон оммавий ахборот воситаларида “Космонавтлар коинотда туриб дўконларни айланиб чикдилар” деган хабар тарқатилганди. Ўшанда космонавтлар - В.Дежуров ва М.Тюрин халқаро космик станциясидан VISA виртуал тўлов картаси орқали харидларни амалга оширишганди. Тўғри, космосдаги савдолар яқин йиллар ичида жадал ривожланиб кетмайди, аммо бу воқеа янги технологияларнинг чексиз имкониятларини яққол намоиш этиб берди. Бунинг исботи сифатида охириги уч йилда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида 10 га яқин электрон тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар пайдо бўлди (PAYNET, eKARMON, FASTPAY ва бошқалар бунга мисол булади). Бу ташкилотларга қўшимча равишда мобил телефон орқали ҳам тўловларни амалга ошириш имконияти ҳам вужудга келди. Юқорида келтирилган ташкилотлар ахборот технологиялари ҳамда молиявий имкониятлари бўйича “Ўзбекистон почтаси” АЖдан устунлик қилади, лекин уларда бутун мамкалатимизни қамраб олган корпоратив тармоқ мавжуд эмас.

Фикримизча, юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда жамият ўз корпоратив тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон тўловларни қабул қилиш тизимини яратиши ва бу тизимни авваломбор рақобатчилар эгалламаган қишлоқ жойлардан ишга тушириши лозим. Шундай қилинса кам

харажат сарфланади ва ўз бозор сегментга эга бўлинади. Битирув малакавий ишда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини туловларни қабул қилишни автоматлашган тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлили амалга оширилган.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларини туловларни қабул қилишни автоматлашган тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони таҳлиliga кўра бугунги кунда акциядорлик жамияти бўйича жами 211 почта алоқаси бўлимида туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими жорий этилган бўлиб, бу жами почта алоқаси бўлимларини 7 % ташкил этади. Бу йўналишда ҳам камчиликлар мавжуд. Яъни бирор бир филиалда 100 % туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими жорий этилмаган. Туловларни қабул қилишни автоматлашган тизимини жорий этиш бўйича Тошкент почтамти биринчи уринда бормоқда ушбу филиалнинг 13 % почта алоқаси бўлимларида, яъни 22 бўлимда туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими жорий этилган, кейинги уринда Навоий филиали 10 % почта алоқаси бўлимларини туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими жорий этган Қолган барча филиалларда туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими жорий этилган почта алоқаси бўлимлари улуши 5-9% артофида бўлганини куришимиз мумкин. Энг паст курсаткич Самарқанд ва Қашқадарё филиалларида кузатилган, яъни 5 %. Демак ушбу хизмат турини ривожлантириш бўйича тегишли чора тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш лозим. Чунки юқорида айтиб утилганидек, бугунги кунда 10 ортиқ турли корхоналар туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими хизматини жорий этишган, қолаверса республикамизнинг 4000 ортиқ қишлоқларида туловларни қабул қилишни автоматлашган тизими хизматини курсатувчи пунктлар фаолият юритмоқда. Агар бу борадаги ишларни жадаллаштиримаса у ҳолда яна бир янги замонавий хизмат тури бўйича почта алоқаси объектларининг рақобатбардошлигини пасайиши кузатилади. Ва оқибатда янги хизмат турларидан олинаётган даромад улуши ҳам пасайиши кузатилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, булар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сон «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон тижорат тизими транзакцияларида олинган кўчирма (электрон чеклар)ни банк терминаллари чекларига тенглаштириш назарда тутилган.

Пенсия тўловларни пластик карточкалар орқали тарқатиш тизимини кенг жорий этилиши натижасида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ даромадининг ўртача 50-52 %дан, яъни йилига тахминан 25-30 млрд сўмдан⁴ воз кечишига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ молиявий ҳолатига ва молиявий барқарорлигига, умуман олганда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Демакки, почта алоқаси объектларида кўрсатилаётган қўшимча хизмат турлари, молиявий хизматлари, ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизматлар ва бошқа хизмат турларини жорий этиш ва улар асосида хизмат кўрсатишни такомиллаштириш жамият олдидаги асосий ва долзарб масалалар ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ўзининг корпоратив тармоғи орқали турли ижтимоий тўловларни амалга ошириш тизимини жорий этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, ахборотлашган жамият шаклланаётган бир даврда истеъмолчилар эҳтиёжларини тез ва сифатли қондирувчи

⁴ Рақамлар муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

хизматлардан кенг фойдаланиш ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди.

Бу фикрларни исботини кўйида келтирилган жадвалдаги маълумотлардан куришимиз мумкин бўлади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини пластик карточка терминали урнатилган почта алоқаси объектлари сони таҳлиliga кўра мавжуд почта алоқаси бўлимларини 29 %да яъни 870 донa почта алоқаси бўлимларида пластик карточка терминали урнатилган. 2010 йил якунларига кўра пластик карточка терминали урнатилган шаҳобчалар сони 20 мингдан ортиб келган. Бу жараёнда бевосита тижорат банклари фаол иштирок этишмоқда. Почта алоқаси соҳасида пластик карточка терминали урнатиш бўйича хизмат курсатишда Тошкент почтамти лидерлик вазифасини бажармоқда. Ушбу филиалда бугунги кунга келиб 206 донa пластик карточка терминали урнатилган. Ҳудудий филиалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, олтита филиалда пластик карточка терминалини урнатиш даражаси 10 % паст бўлган бўлса, учта филиалда бу курсаткич 50 % юқори бўлган, қолган филиалларда пластик карточка терминали урнатиш даражаси 10-50% атрофида бўлган. Почта алоқаси тўғрисидаги қонунга кўра пул утказмаларини етказиб бериш почта алоқаси объектларининг вазифаси ҳисобланади. Демак, ушбу хизмат турини ривожлантириш соҳани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Таҳлилий маълумотларга кўра тижорат банк, савдо дуконлари ва бошқа ташкилий тизимлари орқали пластик карточка орқали хизмат кўрсатиш ривожланиб бормоқда. Почта алоқаси соҳаси ҳам бу жараёндан ортда қолмаслиги лозим ҳисобланади.

Почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари таҳлили натижаларига кўра, даромаднинг асосий қисми шартнома асосидаги хизматлардан олинар экан, бу хизматлар улуши 2009 йилда 63,5% гача етган бўлса, 2010 йил якунларига кўра 63.1 % ташкил этиган. Демак пасайиш 0.4 % тенг бўлган. Шартнома асосидаги хизмат турлари бўйича пасайишнинг асосий сабаби пенсия туловлари бўйича

даромад улушини 1.2 % камайишини курсатишимиз мумкин. 2007-2008 йилларда асосий хизмат турлари улуши ўзгармай қолган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 0,2% камайган ва 9,6 % ташкил этган. Почта алоқаси объектларининг 2010 йилда самарали фаолияти юритиши натижасида асосий хизмат турларидан олинган даромад улуши 10.5% ташкил этган бу 2009 йилга нисбатан 0.9% куп демакдир. Бу ижобий натижа ҳисобланади. Шунингдек, молиявий ва бошқа хизмат турлари бўйича ҳам камайиш кузатилган, мос ҳолда 0,4% ва 0,2% ташкил этган. АКТ асосланган хизмат турлари улушини пастлиги алоҳида эътибор талаб этади. Бу хизматлар улуши атиги 0,1 % тенг бўлган. АКТ такомиллаштириш кучайтирилаётган шароитда ушбу жуда паст ҳисобланади. АКТларини жадал ривожланаётган даврда бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади. Битирув малакавий ишда соҳанинг ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири бу соҳага ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизматларни жорий этиш эканлиги келтирилган эди. Ҳисобот йилида молиявий ва бошқа хизматлари улушида ҳам мос ҳолда -1.91% ва -4.0%га пасайгани кузатилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида электрон тижорат фаолиятини ривожлантиришга асосий таъсирини кўрсатувчи хизматлар гуруҳларида даромаднинг пасайиши кўзатилган, яъни:

- АКТ асосланган хизмат турлари;
- Молиявий хизмат турлари;
- Бошқа хизмат турларидан олинган даромадлар улуши йилдан йилга пасайиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, соҳани ривожлантириш ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида янги почта хизматлари рекламасини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бўйича тадбирларни жадал амалга ошириш лозим.

Почта алоқаси соҳасида электрон тижорат фаолиятини кучайтириш заминида, рентабеллик ва самарадорлик даражаси паст бўлган ҳамда истеъмол хусусиятини йўқотган хизматлардан воз кечиб, янги замонавий,

юқори рентабеллик ва самарадорлик даражасига эга, энг асосийси эса истеъмолчилар эҳтиёжларига мос келувчи хизматларни жорий этишни тушуниш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бу жараёни доимий равишда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки кучли рақобат шароитида ҳар бир хизматни кўрсатиш учун маълум миқдорда харажат ва ресурслар талаб этилади. Ҳар бир иқтисодий жараёнда қатнашувчи ресурслар маълум бир миқдорда чегараланган бўлади. Чегараланган ресурслардан самарасиз фойдаланиш эса рақобатбардошликни пасайишига ҳамда бозор сегментини йўқотишга олиб келади. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида электрон тижорат ва инновацион фаолиятни, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожланиши ҳамда улар заминида янги хизмат турларини жорий этилиши бевосита почта алоқаси соҳасида ҳам хизматлари нуфузини кучайтиришни тақозо этади.

Почта хизматлари соҳасида электрон тижорат фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бир томондан истеъмолчилар талабини қондирувчи почта хизматларини жорий этиш ҳамда кўрсатишга замин яратса, иккинчи томондан қўшимча хизмат турларини кенгайтириш орқали қўшимча даромад манбаини шакллантиришга асос бўлади. Почта хизматлари диверсификациясини кучайтиришдан яна бир асосий мақсад соҳасини ташқи молиявий манбаларга қарамлигини камайтиришдир. Таҳлил натижаларига кўра шартнома асосида кўрсатилаётган хизматлари почта даромадларидаги улуши 2007 йилда 56.6 % тенг бўлса, 2008 йилга келиб 5,8% ортган ҳамда 62.4% ташкил этган бўлса. 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 63,5 % тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 63,1%. Бу рақамлар ҳам почта алоқаси соҳасида электрон тижорат фаолиятини кучайтириш лозимлигини исботлайди.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида почта алоқаси соҳасида электрон тижорат фаолиятини ривожлантириш, почта алоқаси соҳасини рақобатбардошлигини оширадиган ҳамда самарали фаолият юритишини

таъминлайдиган асосий воситалардан бири соҳани юқори самара берадиган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондирувчи ўзига тегишли хизматларга эга бўлишидир.

Ҳозирги пайтда “Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ универсал почта хизматлари бозорида монополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кўрадиган бўлсак, кучли рақобатга дуч келамиз, жумладан курьерлик хизматлари бўйича 10 ортиқ курьерлик ташкилотлари фаолият юритмоқда, пул жўнатмалари бўйича эса 20 ортиқ банклар, коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, универсал почта хизматлари бугунги кунга келиб паст самара берадиган хизмат турлари гуруҳига тегишли эканлигини юқорида келтирилган таҳлил натижалари ҳам исботлади. Демак, соҳани ривожлантириш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган универсал хизмат турларини янги ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш ҳамда кучли рақобатга эга бўлган қўшимча хизмат турларини жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Почта алоқаси соҳасида янги ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда чора тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Барча почта алоқаси бўлимларда янги ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизмат турларини жорий этишни таъминлаш;
- Почта алоқаси бўлимларни ходимларни компьютер саводхонлигини ошириш бўйича амалий ишларни олиб бориш;
- Жорий этилган янги ахборот тизимлари ҳақида мақсадли рекламани йўлга қуйиш;
- Электрон тижоратни ривожлантириш ҳамда виртуал магазинлар орқали почта алоқаси хизматларини кўрсатишни ривожлантириш;

- Интернет магазинлар орқали товарлар сотиб олинганда уларни етказиб бериш, яъни логистика хизматларини кўрсатишда почта алоқаси тармоғи орқали фаол иштирок этиш;
- Янги хизмат турларини тақдим этишда имтиёзли тарифлардан кенг фойдаланиш.

Юқорида келтирилган чора тadbирларни амалга ошириш орқали почта алоқаси соҳасини ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланганлигини оширишга, ходимларни компьютер саводхонлигини оширишга, истеъмолчиларга янги хизмат турларини курсатиш орқали хизматлар сифатини оширишга эришиш мумкин бўлади. Бу эса провард натижада соҳа нуфузини ортишига ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга замин яратади.

III-БОБ АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш

Марказлашган режалаштириш тизимининг тугатилиши ва бозор хўжалигининг яратилиш жараёни барқарор илмий - техникавий тараққиётини таъминлаш масаласини ўртага ташлади. Эндиликда марказ иқтисодий ривожланишнинг барча жараёнлари ва соҳаларига тўғридан-тўғри аралаша олмайди. Аммо, илмий-техникавий тараққиёт бундан истисно бўлиши лозим. «Марказ» тушунчасининг ўзида, унинг мувофиқлаштириш тизимида, режалаштиришда, масалалар қўйилишида, ресурс таъминоти шаклларида ўзгаришлар юз бериши мумкин, лекин инновацион жараёнларни бошқаришнинг марказлашган усуллариининг устиворлиги жаҳон амалиётида исботланган. Бозор иқтисодиётига эга хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан ушбу масалаларда тўла равишда бозор механизмига умид боғлаш мумкин эмас. Янгиликлар киритиш иқтисодиёт муаммоси бўлибгина қолмай тобора кўпроқ ижтимоий характерга эга бўлиб бормоқда. Чунки жамият ривожланишининг ижтимоий - иқтисодий истиқболлари тобора кучлироқ жамиятда инновацион жараёнларнинг ривожланиши қанчалик узвий эканлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунга боғлиқ ҳолда фан ва инновациялар соҳаси фаолиятини тизимли ва режали тартибга солиш учун иқтисодий ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Илмий - техникавий ривожланишини бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаши ҳузуридаги фан ва технологиялар бўйича марказ томонидан Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва технологияларни тижоратлаштириш дастури ишлаб чиқилмоқда. У тизимнинг тўла инфратузилмаси: инновацион фаолиятнинг барча жиҳатлари учун - мулк

ҳуқуқларини тартибга солишдан тартиб то қулай инвестицион иқлим яратилишига, фонд ва венчур молиялаш тизими қарор топиши учун ҳуқуқий базани; Ўзбекистон Республикаси инновацион салоҳиятни мониторинги учун ахборот блокинни яратишни; технологиялар ва илмталаб маҳсулотни илмий соҳадан ишлаб чиқаришга, миллий ва хорижий бозорларга узатиш тизимини шакллантиришни; технологик менежмент соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун таълим структурасини яратишни назарда тутди.

Бундай шароитларда республикада ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг қонунчиликни ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш долзарбликни касб этади. Бу борада асосий қадамлар қуйилган, хусусан, Ахборот-коммуникацион тизимлар, тармоқлар ва маълумотлар базасини яратиш ва фойдаланишни тартибга солувчи қорлатив - ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” (11.12.03 йил), “Ахборот эркинлиги принциплари ва қарорлари тўғрисида” (12.12.02 йил), “Алоқа тўғрисида” (13.01.92 йил), “Телекоммуникациялар тўғрисида” (20.08.99 йил), “Электрон рақамли имзо тўғрисида” (11.12.03 йил), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” (29.04.04 йил), “Электрон тижорат тўғрисида”ги (29.04.04 йил) Ўзбекистон Республикаси қонунлари бунга мисол бўла олади.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;
- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот

тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Республикадаги реал иқтисодий шароитларни жаҳон даражаси билан таққосланганда мамлакатда алоқа ва ахборотлаштириш тармоғининг ривожланиш даражасини баҳолаш илмий - техниквий сиёсатнинг муайян стратегиясини танлаб олишни талаб этади. Жаҳон тажрибасидан учта: фан техника ва технологияларнинг умумий, танлаб олинган ва бошқалардан ўзлаштириб ривожлантириши тамойиллари маълум.

Фан ва техникани умумий ривожлантириш стратегияси, яъни фан ва техниканинг барча мавжуд йўналишлари ва соҳаларида илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг олиб борилиш стратегиясидир. Аммо бу ҳозирги пайтда республика учун мақбул эмас. Келажакда республиканинг

жаҳон илмий ҳамжамиятига унинг доирасидаги «меҳнат тақсимоти»ни ҳисобга олган ҳолда интеграциялашуи туфайли бу стратегия мақсадга мувофиқ бўлиб чиқмаслиги ҳам мумкин.

Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат илмий - техника сиёсатини амалга оширишнинг энг мақбул йўли бўлиб танлаб олиш ва илғор илмий - техникавий ишланмаларни ўзлаштириш стратегияларини кўшиб олиб бориш ҳисобланилади.

Биринчиси - мавжуд илмий - техника салоҳияти асосида тармоқнинг базавий йўналишларини ривожлантириш ва ресурсларни ахборот-коммуникацион технологияларнинг устувор йўналишларида жамлаш бўлса, иккинчиси эса - республиканинг кам ривожланган ҳудудларга эътиборини қаратиш лозим, бу мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши учун муҳимдир.

Ҳеч бир ривожланган мамлакат фан ва техника соҳасида давлат аралашувисиз тараққий этмайди. Жаҳон тажрибасидан ва иқтисодиётимизнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда фан - техника тараққиёти соҳасини давлат томонидан тартибга солишдан воз кечиш ва кўпроқ бозор механизмига ва хусусий мулкчилик афзалликларига умид боғлаш мутлақо рационал бўлмаслиги ҳам мумкин. Такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатидаги давлатнинг илмий - техникавий сиёсатида аввалгидек инновацион жараёнинг ривожланишини бошқаришнинг ўзаги деб ҳисоблаш лозим. Давлат илмий - техника сиёсатининг объекти инновацион жараёнлар, инновацияларни (янгиликларни, илмий - техника ютуқларини) яратиш, уни ижтимоий тараққиётнинг барча элементлари ва бўғинларига жорий этиш, шунингдек ўзида фан ва техника ютуқларини (ишлаб чиқариш техникавий ва исьтемомол мақсадларини) мужассамлаштирган илмий - техникавий ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқиш энг муҳим масалага киради.

Давлатнинг илмий - техника сиёсати:

- республиканинг илмий - техника салоҳиятини қувватлаш ва кучайтиришга қаратилган;

- ўзининг вазифалари ва йўналганлиги бўйича ҳудудларнинг илмий - техникавий тараққиёти унинг ички мақсадларига зид келмаслиги ва уларга мувофиқланган бўлиши керак.

Марказлашган тартибга солишнинг асосий функциялари:

а) илмий - техникавий ривожланишда стратегик бошқаришнинг тамойилларини ишлаб чиқиш ва у ички шароитлар ҳамда имкониятларда амалга оширилади: тадқиқотларга, устивор маҳсулотни ишлаб чиқиш ва тайёрлашга мажбурий характердаги давлат буюртмаси ва илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига ҳамда янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бозор эҳтиёжларига монанд давлат буюртмалари;

б) илмий - техника фаолияти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнини ресурсларнинг барча турлари билан таъминлаш ва рағбатлантириш;

в) илмий - техника сиёсати субъектларининг илмий - техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти даромадларини тақсимлаш ва натижаларини баҳолаш. Булар қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари асосида солиққа тортиш тизими воситасида амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда инновацион ривожланиш вазифалари бозор хусусиятлари бўйича ҳам олиб борилиши лозим:

а) умумий бозор муносабатлари доирасида инновацион маҳсулот бозорининг концепциясини ишлаб чиқиш;

б) уни бозорни яратиш босқичларини дастурлаш;

в) бозор муносабатларида танлаб олинган модел билан боғлиқ ҳолда уни антимонопол жиҳатидан тартибга солиш;

Инновацион жараёнларни кўрсатиб ўтилган тавсифлари шу билан бирга ҳозирги жамиятда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий роли давлат органларининг инновацион фаолиятни тартибга солиш бўйича функциялари

ва принципларини ҳам белгилаб беради. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш. Давлат олдида инновацион жараёнларнинг умумий стратегик мўлжалларини белгилаш вазифаси туради. Уларга эришилиши мақсадида давлат инновацияларнинг амалга оширилишида турли институтларнинг кооперациясига ва биргаликда ҳаракатига кўмаклашади.

2. Инновацияларни рағбатлантириш. Бунда рақобатни рағбатлантириш шунингдек инновацион жараёнлар иштирокчиларига турли молиявий субсидиялар ва имтиёзлар марказий ўринни эгаллайди. Ўз навбатида инновацион хатарларни давлат томонидан қисман ёки тўла суғурталаш катта аҳамиятга эга.

3. Инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий базасини яратилиши. Ўзида барқарорликни ва ижтимоий ҳамда технологик ўзгаришларга мувофиқ ўз вақтидаги тузатишларни мужассамлаштирувчи зарур қонунчиликни шакллантириш билан бирга унинг риюя этилишини таъминловчи реал механизмларни ҳам яратилиши муҳимдир. Илмий - техникавий маҳсулотнинг яратувчилари ва инноваторлар ҳуқуқларини давлат ҳимояси, яъни интеллектуал ва саноат мулки ҳуқуқларини ҳимояси алоҳида ўрин тутади.

4. Инновацияларнинг кадрлар билан таъминланиши. Давлат ўқув муассасаларида таълим дастурлари инновациялар яратувчиларининг ижодий салоҳиятини ривожланишига ҳам, мутахассисларнинг янгиликларни қабул қилишига мойиллигини оширишга ва инновацияларни назарий ва методологик асосларини эгаллашга ҳам ёрдам бериши лозим.

5. Инновацион инфраструктурани шакллантиришда давлат ахборот тизимлари янгиликларни тарқатишни асосий каналларидан бирининг фаолиятини таъминлайди. Давлат тузилмалари инноваторларга бошқа хизматларни ҳам кўрсатади: ҳуқуқий, ишбилармонлик, бизнес, психологик маслаҳат ва ҳ.к. Давлат инновацион субъектлар ўртасида воситачи бўлиб

майдонга чиқиши, шерикларни излашда ёрдам кўрсатиши, давлат кафолатлари остида битимлар тузишга кўмаклашиши мумкин.

6. Инновацион жараёнларнинг институционал таъминоти. Бу ерда, аввало, илмий - тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ва давлат сектори тармоқларида (соғлиқни сақлаш, машинасозлик, энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноати, таълим ва шу кабилар) янгиликлар жорий этилишини бажарувчи давлат ташкилотлари ва бўлинмаларининг яратилиши кўзда тутилади. Давлат инновацияларнинг сараланиши ва жорий этилиши нуктаи назаридан айниқса энг самарали муҳим ташкилий тузилмаларнинг (йирик корпорациялар, кичик бизнес ва ҳ.к.) иқтисодиётда таркиб топишига ҳам кўмаклашади.

7. Инновацион фаолиятни ижтимоий мақомининг оширилиши. Давлат илмий - техника ютуқларнинг ва янгиликларнинг тарғиботини, инноваторларнинг маънавий рағбатлантирилишини ташкил этади, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлайди ва ҳ.к.

8. Инновацион жараёнларнинг халқаро жиҳатларини тартибга солиш. Давлат тежаб олинган умумиқтисодий ва стратегия доирасида халқаро илмий - техникавий ва инновацион кооперацияни рағбатлантиради, шунингдек янгиликларнинг халқаро миқёсда узатилишини тартибга солади.

Шундай қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиниши зарурлиги бир қатор жиҳатлари билан изоҳланди, улар орасида умуммиллий, иқтисодий, экологик, ижтимоий, сиёсий жиҳатлар алоҳида аҳамиятлидир;

- Ўзбекистонда давлатнинг илмий - техникавий сиёсатини амалга оширишнинг энг мақбул йўли, фиркимизча, селектив (танлаш йўли билан) ривожланишни илғор илмий - техникавий ишланмаларни ўзлаштириш билан бирга қўшиб олиб бориш йўлидир;

- давлатнинг илмий - техникавий сиёсати республиканинг илмий - техникавий салоҳиятини қувватлашга ва кучайтиришга қаратилган бўлиши,

шунингдек ўз вазифалари ва йўналганлиги бўйича мамлакат илмий - техникавий ривожланишининг ички мақсадларига монанд бўлиши лозим;

- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб - қувватланишининг шакллари тўғридан - тўғри молиялаштириш; имтиёзли банк ссудаларини бериш, венчур фондларини ташкил этиш, солиқ имтиёзларини бериш ва бошқалардир.

- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари рағбатлантириш, ҳуқуқий базани яратиш, инновацион инфраструктурани шакллантириш, кадрлар таъминоти, инновацион фаолиятнинг халқаро жиҳатларини тартибга солиш ва бошқалардан иборат.

Бундай шароитларда инновацион жараён ривожланишини бошқаришнинг ўзаги деб, аввалгидек, такрор ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлган давлатнинг илмий - техникавий сиёсати деб ҳисоблаш лозим. Давлатни илмий - техникавий сиёсатининг объекти инновацияларни яратиш ва ижтимоий тараққиётнинг барча бўғинларига жорий этиш бўйича жараёнлар, шунингдек илмий - техникавий ва ўзида фан-техника ютуқларини мужассамлаштирган бошқа маҳсулотлар (ишлаб чиқариш техника ва исьтемом мақсадларидир) бўлиши лозим.

Инновацион сиёсатни амалга оширилиши билан бир қаторда ривожланишнинг бозор жиҳатлари бўйича ишларни олиб бориш керак:

а) умумий бозор муносабатлари доирасида инновацион маҳсулот бозорининг концепциясини ишлаб чиқиш;

б) бозорни яратиш босқичларини дастурлаш;

в) бозор муносабатларининг танлаб олинган моделига мувофиқ антимонопол жиҳатдан тартибга солиш.

Давлатнинг илмий - техника сиёсатини амалга оширишда қўлланадиган тартибга солишни шакллари ва усуллари (бевосита ва билвосита) мамлакатда иқтисодиётни эркинлашуви даврига монанд ва мослашувчан бўлиши лозим.

Инновацион сиёсатни, самарали амалга оширишни саноатнинг юқори технологияси ва илмталаб тармоқларининг устивор ривожлантиришини

таъминловчи асосий механизмларга қонучилик ва норматив - ҳуқуқий актлар билан белгиланган молия-кредит, институционал ўзгартиришлар, таълим, экспорт ва божхона соҳасидаги фаолиятлар киради.

Молия - кредит сиёсатини механизмлари ўз ичига қуйидаги асосий элементларни олади:

- инновацион маҳсулотни ўзлаштириш билан боғлиқ инновацияларни молиялаш мақсадларида корпоратив тузилмалар (шу жумладан молия - саноат гуруҳлари) доирасида ишловчи молия - кредит муассасалари учун қулай шароитлар яратиш;

- юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган амалий инновацион ишланмаларидан тушадиган фойда ҳисобига қайта молиялашни қўллаш;

- венчур инвестициялашни ривожлантириш;

- давлат корхоналарига, давлат аккредитациясини ўтган илмий ташкилотларга лицензион битимлар асосида илмий - техникавий маҳсулотни сотишдан тушган маблағларни (тўғри харажатлар ва муаллифлик ҳақларни чегириб ташлаб) мақсадли молиялаш учун илмий - техникавий йўналишларда (илмий - тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бажариш, ускуналар харид қилиш ва ҳ.к.) ишлатишга руҳсат бериш;

- миллий бюджетнинг маблағлари бўйича илмий - тадқиқот ташкилотларига ва саноат корхоналарига қарздорликни тузилмасини ўзгартириш ва тугатиш механизминини яратиш;

- юксак технологиялар бўйича йўналишларни ривожланиши билан боғланган илмий - тадқиқотни, тажриба - конструкторлик ва технологик ишларни, инновацион лойиҳаларни молиялаш;

- илмталаб юксак технологияни ишлаб чиқаришга маблағ қўяётган инвесторларни, шунингдек инновацияларни ўзлаштирувчи мулкчиликни турли шаклларидаги ташкилотларни қўллаб - қувватлаш ва рағбатлантириш;

- илмталаб ноёб ускуналар ва асбобларнинг лизингини янада ривожлантириш;

- патент ва ихтирочилик фаолиятига молиявий ёрдам кўрсатиш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишда ва МДХ давлатларида ва хорижда унинг мулкӣ ҳуқуқларни қувватлашда кўмаклашиш;

- инновацион лойиҳаларни ва уларнинг ижрочиларини танлаб олишнинг конкурс тизимини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларида нисбатан катта бўлмаган ва ўзини тез оқлайдиган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг салмоғини кўпайтириш;

- бюджет маблағлари ҳисобига инновацион дастурлар ва лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши бўйича конкурсларда кичик тадбиркорлик субъектларини қатнашишга жалб этиш ва уларга ёрдамлашиш.

Давлат инновацион сиёсатини самарали амалга оширилишининг механизмига миллий қонунчиликда назарда тутилган солиқ имтиёзлари ҳам ўз навбатида ижобий таъсир кўрсатади. Бу механизмларни фаоллаштириш учун, фикримизга, инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларни солиққа тортиш хусусиятларини ҳисобга оладиган ва уларга солиқ имтиёзларини назарда тутадиган янги қонунчилик ҳужжатларини ва норматив ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишини белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундай шароитларда қуйидагилар мақбул бўлади:

- инновацияларни амалга ошириш ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган маблағларни инвестицияланиши учун қулай шароитлар яратилиши;

- инновацион фаолият натижасида яратилган маҳсулотни харид қилишга давлат буюртмасини тайёрланиши;

- халқаро бозорда мамлакатнинг инновацион маҳсулотини қувватлаш чораларини амалга оширилиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантирилиши;

- инновацион эҳтиёжлар ва илмий - техникавий ҳамда инновацион фаолият натижалари тўғрисидаги ахборотнинг тўпланиши ва тарқатилишини қувватлаш;

- инновацион фаолиятни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш.

Ушбу ишларда илмий - техникавий маҳсулот бозорининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган интеллектуал мулкни хўжалик оборотига жалб этиш механизмлари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бунинг учун инновацион фаолиятни амалга оширишда интеллектуал мулк яратилиши, ҳимоя қилиниши ва қўлланишини рағбатлантириш мақсадларида қонунчилик мустаҳкамлаб қўйилиш зарур. Бунда қуйидагиларни тартибга солиш керак бўлади:

- муаллифлар ва иш берувчиларни ҳуқуқий ҳимоялаш;
- жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш;
- миллий (давлат) бошқарув органлари, хусусан, патент идораларининг фаолиятини кучайтириш;
- маънавий рағбатлантириш соҳасидаги муносабатлар ва ҳ.к.

Шунингдек, корхоналарнинг интеллектуал мулкни баҳолаш ва уни номоддий активлар кўринишида балансга қўйган ҳолда инвентаризациялаш, молия - иқтисодий механизмларга ва бухгалтерия ҳисобига аниқлик киритиш, давлат иштирокида яратилган интеллектуал мулкни бошқариш механизмини яратиш зарур.

Интеллектуал мулк бозорини шакллантириш ва илмий - техникавий фаолият натижаларини хўжалик оборотига жалб этишни қонунчилик таъминотини талаб этади. Интеллектуал мулкдан янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича яратилаётган биргаликда тузилаётган корхоналарга улуш сифатида киритиш учун фойдаланишининг механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Инновацион инфратузилма соҳасидаги институционал ўзгаришлар, аввало, қуйидагилар ҳисобидан саноат тармоқларида юқори технологияни ишлаб чиқаришларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим:

- асосан битта буюртмачининг манфаатларида илмий - тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бораётган тор ихтисослашган илмий ва лойиха

ташкilotларини республика миқёсидаги ягона илмий - саноат тузилмасига бирлаштириш;

- фан ва техниканинг тегишли соҳаларида етакчи мавқега эга бўлган йирик илмий ташкilotлар асосида фан ва юксак технологиялар марказларини ташкил этиш;

- тармоқ илмий - тадқиқот ва лойиҳа институтларининг бир қисмини ривожланган молиявий иқтисодий, маркетинг ва тижорат инфратузилмасига эга бўлган инжиниринг фирмаларини яратиш учун реструктуризациялаш;

- олий ўқув юртлири билан биргаликда миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда миллий ҳамда хорижий савдо тармоғидан фойдаланиб илм талаб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган инновацион - технологик марказларни, инновацион - саноат комилексларини, технологияларни ва илмий нархларни шакллантириш;

- МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, шу жумладан давлатлараро вертикал - интеграциялашган тузилмалар кўринишида;

- юксак технологияларни рўёбга чиқариш бўйича лойиҳаларга хизмат кўрсатиш учун кичик бизнес инфратузилмасини яратиш, шунингдек кичик корхоналарнинг йирик ишлаб чиқариш билан алоқасини таъминлаш учун технологиялар билан танишиш ва таъминлашни минтақавий ва минтақалараро базавий инновацион - технологик марказларини барпо этиш;

- инновацион ва инвестицион фаолият учун ахборот базасини ва тармоғини ривожлантириш, унинг базасида патент тозалиги ва рақобатбардошлиги бўйича технологиялар ва ноу-хаулар экспертизасининг тизимини ривожлантириш;

- мамлакатда илмталаб маҳсулотни чиқариш, уни ички ва ташқи бозорларда сотиш, хорижда рекламасини таъминлаш, кўрғазма - ярмарка фаолиятини такомиллаштириш, юқори технологиялар бўйича ахборот алмашиш учун халқаро ахборот тизимларига кириш шароитларни, жумладан, хорижий шериклар билан қўшма корхоналар тузиш учун қулай, мақбул

шароитлар яратилишини назарда тутувчи ташқи иқтисодиёти қўллаб - қувватлаш;

- минтақавий венчур инновацион фондларни таъсис этиш;
- ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, илмий - техникавий кутубхоналар тармоғини қувватлаш, инновацион ташкилотларга ахборот тармоқларига ва маълумотлар базаларига киришларида ёрдам кўрсатиш.

3.2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион фаолиятни самарали бошқариш ва ривожлантириш йўллари

Бозор муносабатлари шароитида давлат тизимининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни тартибга солиш борасидаги асосий функционал вазифаси шахс, мол-мулкка эгалик қилиш ва тадбиркорлик эркинлигини химоялашдан иборат бўлади.

Бизнинг фикримизча, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун мамлакатимизнинг илмий-техник ва Инновацион потенциални барқарор сақлаш ҳамда ривожлантириш зарур. Бунинг учун куйидаги йўналишлар бўйича конкрет чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим бўлади:

- миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида тўпланган илмий-техник потенциални реструктуризатсиялаштириш;
- илм-фанни ривожлантириш ва инновацияларни яратиш учун қаровсиз қолган, мақсадга мувофиқ равишда ишлатилмаётган мулк ҳисобидан алоҳида фондни яратиш;
- қиммат турадиган асбоб-ускуналардан фойдаланиб илм-фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Инновацион фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш учун лизинг механизмларини жадал ривожлантириш;
- Инновацион фаолият қўламларини кенгайтириш ҳамда мамлакатимизда капиталлар бозорини шакллантириб ривожлантириш учун банк кредитларини жалб этиш механизмларини янада такомиллаштириш;

- мамлакатимиз микёсида яратилдиган Инновацион лойикаларни рўёбга ошириш билан боқлиқ бўлган барча ишларни мувофиқлаштириб бошқариб борадиган махсус Инновацион марказларни яратиш;

- мамлакатимизнинг энг билимли, тажрибали профессионал илмий-техник ходимлари, олимлари ва мутахассисларидан таркиб топадиган Инновацион лойикаларни ишлаб чиқиб уларни рўёбга ошириш билан боқлиқ чоратадбирларни режалаштирадиган, кейинчалик ушбу фаолиятни бошқариб турадиган институтни яратиш керак;

- амортизатсион фонд маблағларини илмий тадқиқотлар, экспериментал ва бошқа шу хилдаги тадқиқот ишларини бажариш, Инновацион лойикаларни амалга ошириш, яратилган илмий янгиликларни патентлаштириш, мамлакатимизда ва хорижда патентланган ва патентсиз кашфиётларга литсензиялар сотиш мақсадларидагина ишлатилишини таъминлаш учун маъсул бўладиган тизимни яратиш;

- амалдаги қонунчиликка Инновацион соҳадаги фаолликни янада жадаллаштириш учун қулай шарт-шароит яратиб берадиган янги тузатишларни киритиш;

Бизнинг назаримизда, қуйидагилар Инновацион фаолият соҳасини давлат микёсида тартибга солиш инструментларига айлантирилиши мумкин:

- молия, нарх-наволарни ва пул муомаласини тартибга солиш, такрор ишлаб чиқариш ва коказо соҳаларда амалга ошириладиган давлат сиёсатини юритиш учун асос бўладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник прогнозлар;

- давлат-маъмурий, умумиқтисодий ва бозор регуляторлари;

- давлат микёсида иқтисодий жараёнларни оптималлаштириш дастурлари, баланслари ва модели;

- давлат буюртмалари ва замонавий контракт тизимлари;

- турли хилдаги мулк шаклига асосланган корхоналарнинг фаолиятини бошқаришнинг индикатив механизмлари ва регуляторлари;

- регуляторлар ва турли хил тузилмаларни интеграциялаштиришга ёрдам берувчи механизмлар.

Инновацион фаолият соҳасида давлат органлари амалга ошириши лозим бўладиган асосий чора-тадбирлар жумласига аксарият иктисодчилар кўйидагиларни киритадилар:

- турли хил илмий изланишларни ва инновацияларни амалга ошириш учун зарур бўладиган маблағларни аккумуляциялаш;

- Инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;

- инновацияларни рақобатлантириш; Инновацион соҳада рақобатчиликни кучайтириш; Инновацион рискларни сукурталаш; маънавий жиҳатдан эскириб қолган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан давлат томонидан жазо санкцияларини қўллаш;

- Инновацион жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур ҳуқуқий базани (айниқса, инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқини ва умуман интеллектуал мулк ҳуқуқини қимоялаш) яратиш;

- Инновацион фаолиятнинг нормал кечиши учун зарур кадрлар таъминотиغا аҳамият бериш;

- илмий-Инновацион инфратузилмани шакллантириш;

- давлат секторига қаршли барча тармоқлардаги Инновацион жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур институтсионал шарт-шароитларни яратиш;

- амалга оширилиши мўлжалланган инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналишли бўлишлигини таъминлаш;

- Инновацион фаолиятнинг ижтимоий мавқеини кўтариш;

- Инновацион жараёнларни регионал миқёсларда тартибга солиш;

- Инновацион жараёнларнинг халқаро ҳуқуқ соҳасига оид алоҳида томонларини тартибга солиш.

Бозор муносабатларининг шакллантирилиши муносабати билан илм-фан соҳасини молиялаштириш тизими тубдан ўзгартирилди. Илғари амал қилган тизимнинг асосий камчилиги шунда эдики, Инновацион фаолиятни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлар мазкур жараённинг пировард

натижаси билан ҳеч қандай боғланмасди. Одатга кўра, Инновацион фаолият юритиш учун ажратиладиган маблағлар аванс тарикасида бериларди. Илмий изланишларни амалга ошириш учун кредит ажратиш механизmidан этарли даражада самарали фойдаланилмасди. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар турли хил илмий тадқиқот ва тажрибавий-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни коплаш механизми сифатида қабул қилинарди. Бундай вазиятда молиявий механизм пассив рол ўйнарди, яъни Инновацион фаолият самарадорлиги қандайлигидан қатъий назар маблағлар ўзлаштирилиб келган. Бозор муносабатларини шакллантириш эктиёжи илм-фан соҳасини молиялаштиришнинг мавжуд механизмини тубдан ислох қилишни тақозо этди.

Ҳозирги пайтда республикамиз олий таълим тизимида Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг қуйидаги шакллари амал қилмоқда:

- илмий тадқиқот ишларини мавзуий режаларга мувофиқ молиялаштириш;
- турли хил илмий-техник дастурларни молиялаштириш;
- грантлар тизимига мувофиқ молиялаштириш.

Илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгилаб қўйиладиган йиллик молиявий режа асосида молиялаштирилади. Илмий тадқиқотлар учун ажратиладиган йиллик маблағларнинг умумий ҳажми Ўзбекистон Республикаси Таълим вазирлиги томонидан буюртмани бажаришни ўз зиммасига олувчи олий ўқув юртининг илмий потенциалини ҳамда ишни бажариш учун ажратиладиган маблағларни ўзлаштириш самарадорлигини текшириб кўриб (тахлил қилиб) белгиланади.

Илмий тадқиқот ишлари шартнома асосида хўжалиқ фаолиятини амалга оширувчи ва бошқа хил субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига ҳам бажарилиши мумкин.

Хўжалиқ фаолиятини амалга оширувчи субъектлар деганда, республикамизда иқтисодий фаолият билан машғул бўлган маҳаллий ва

хорижий ташкилотлар, тижоратчи ташкилотлар, кишлок хўжалиги субъектлари, хусусий тадбиркорлар назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида Инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу турли хил Инновацион марказларни, технологик паркларни, бизнес инкубатор ва бошка шу хилдаги тузилмаларни ривожлантиришдан иборатдир. Айнан шу каби тузилмалар фаолияти орқали илм-фан ютуқларини кенг кўламда амалиётга татбиқ этиш мумкин бўлади.

Республикамиз олий ўқув юртлиги қошида Инновацион марказларни ва бошка шу каби ташкилий тузилмаларнинг, илмий-техник соҳадаги кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун қулай муҳитнинг шакллантирилиши ва илм-фан соҳасида Инновацион фаолиятнинг рағбатлантирилиши ўзига хос инструмент сифатида ишлатилиши туфайли илмий ходимларнинг, новатор-кашфиётчиларнинг меҳнат мотивациясини кучайтиришга, илмий ишларнинг натижаларига нисбатан мавжуд талаб даражасини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Халқаро микёсдаги илмий-техник ҳамкорлик (кооператсия)ни амалга ошириш давлат стратегияси ва тактикаси мамлакатлар ва эр юзи регионлари бўйича дифференцияланиши лозим. Шундай қилинса, илмий-техник ҳамкорликнинг самарадорлигини анча оширишга эришиш мумкин бўлади.

Халқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилган илмий ишларни биз қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Давлат микёсида Инновацион сиёсатнинг амалга оширилиши ва Инновацион фаолиятнинг бошқарилиши халқаро микёсдаги илмий-техник ҳамкорлик жараёнларини тартибга солишнинг энг олий шакли қисобланади. Бундай фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат органлари биринчи галда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда амалга ошириладиган Инновацион сиёсат қай даражада устувор аҳамиятга молик эканлигини аниқ белгилаб бериши, Инновацион фаолиятнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиб бериши зарур.


Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг Инновацион фаолиятини такомиллаштириш юзасидан киритилган таклиф ва мулохазаларни илмий ишнинг кейинги бобида келтирилади.

Ўтиш даврини бошидан кечириётган давлатнинг инновация соҳасидаги сиёсати куйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

- инновация сиёсатини шакллантириш ва унинг мониторингини олиб бориш;
- инновация фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш, интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлаш, қулай иқтисодий шароитлар яратиш;
- тадбиркорликни ва илмий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида инновация фаолиятини давлат ва минтакалар миқёсида қўллаб - қувватловчи комплекс тизим яратиш;
- инновация жараёнлари инфраструктурасини кенгайтириш, яъни ахборот билан таъминлаш, натижалари ўзлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларини такомиллаштириш киради;
- кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш (асосан, бошланғич босқичида).

Илмий-техникавий ва саноат соҳаларидаги инновацияларни рағбатлантириш, бозор механизмларини кенгайтиришнинг йўлларида бири давлат томонидан инноваторларга солиқ имтиёзларини беришдир. Солиқларнинг камайиши ҳисобига илмий-техник тадқиқотлар учун ажратилган маблағлар ҳажми ортади, бу эса, ўз навбатида, бозорда янги турдаги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг пайдо бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга янги технологияларни ўзлаштиришга ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтиришга бўлган интилишларни кафолатлайди.

Бундай сиёсатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайиши, ички бозорнинг маҳаллий товарлар билан тўлиши, аҳолини иш билан таъминланиш масаласининг ҳал этилиши ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамланишига олиб келади.



Иновация жараёнлари механизми (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

ХУЛОСА

Ушбу диссертация ишда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг филиалларида почта алоқаси хизматларида самарадорлигини ошириш мақсадида почта алоқаси объектларини маркетинг ва инновацион фаолиятини, соҳага янги ахборот технологияларни жалб этиш орқали янги хизматлари жорий этилишини, ходимларни малакавий савиясини ўрганиш, соҳа инновацион фаолиятнинг такомиллаштириш ва инновацион комплекс таҳлили амалга оширилди.

Тадқиқотларимизнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси объектларида маркетинг ва инновацион фаолиятини ривожлантириш, соҳага янги ахборот технологияларни жалб этиш орқали янги хизматлари жорий этиш, ходимларнинг малакавий савияси ва моддий манфаатдорлигини ошириш, соҳа инновацион фаолиятнинг такомиллаштириш ва инновацион комплекс таҳлили амалга ошириш, почта хизматлари диверсификациясини кучайтириш ва соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш асосида почта алоқаси хизматлари самарадорлигини оширишни асосий назарий-услубий ғояларини тадқиқ этилди; мамлакатимиздаги почта бозори иштирокчиларини, жумладан, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг инновацион фаолиятини ўрганиб чиқилди, почта алоқаси соҳасида инновацион фаолиятини такомиллаштириш хусусида илмий, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация иши натижасида алоқа корхоналарида инновацион стратегияни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди. Ушбу тавсиялар қуйидагилардан иборатдир.

- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг иқтисодий ўсишга эришиш учун инновацион-технологик ўсишга йўналтирилган миллий, минтақавий ва халқаро инновацион тизимлар яратиш.
- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг жаҳон бозорида муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин бўлган базавий технологиялар ва устувор йўналишлар бўйича мамлакатлараро иттифоқлар барпо этиш;

- Ўзбекистонда почта алоқаси соҳасини ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилди, жумладан почта алоқаси соҳада янги ахборот технологияларини жорий этиш йўналишлари ўрганилди ва истиқболда янада мукамал техника технологиялар билан таъминлаш;
- Мижозларнинг истиқболли эҳтиёжларини аниқлаш ва мақсадли дастурлар асосида бозордаги рақобат муҳитининг мунтазам таҳлилини олиб бориш, нуфузли мижозлар таркибини батафсил ўрганиш ва булар асосида инновацион стратегияни ташкиллаштириш орқали бозорга кириб бориш даражасини ошириш.

Бундан ташқари, амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар берилди.:

- инновацион лойиҳаларни фаолроқ қўллаб-қувватлаш учун алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилган “Ахборот технологияларини ривожлантириш фонди”ни жалб этиш ва кенгайтиришнинг бюджет таъминоти;
- инновацион характерга эга мақсадли устувор дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Республика инновация жамғармаси ва жойларда ҳудудий жамғармалар, шунингдек, устувор инновацион лойиҳаларни суғурталаш учун давлат компанияларини ташкил этиш;
- ЎзР Марказий банкининг захира фонди бир қисмидан устувор характерга эга йирик инновацион лойиҳаларни у ёки бу шаклда қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиш;
- технологиялар трансфери маркази, инновацион бизнес-инкубаторлар, инновацион марказ ва ҳоказолар яратиш йўли билан илмий-техник ва инновацион инфратузилмани кенгайтириш;
- ноҳукумат ташкилотлари, фанлар академиси, олимлар, муҳандислар, конструкторлар ва менежерлар жамоатчилик ташкилотларини саноат тармоқларида инновацион дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш ва тарғиб қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасининг қонун, фармон ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида». Қонуни. 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасини «Почта алоқаси тўғрисидаги» Қонуни. 2009 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сонли «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сонли «Почта алоқаси соҳаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сонли «2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида» Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Президент И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарлари

10. И.А.Каримов Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.
11. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
12. И.А.Каримов Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш - олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
13. И.А.Каримов Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
14. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
15. И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
16. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.
17. И.А.Каримов Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.//Халқ сўзи, 2008 йил 7 декабрь.

18. И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари //Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
19. И.А. Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
20. И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 10 январ.

Асосий қўлланма ва адабиётлар

21. Белокнов А.В. и др. Менеджмент организации; современные технологии, Ростов на Дону, “Феникс”, 2002.
22. Волжин И.О., Эргашбаев В.В. Финансовый анализ Издательский дом “Мир экономики и права “ Ташкент 1998 г.
23. Горелик М.А., Голубцкая Е.А., Кузоков Т.А. Основы экономики связи. М.: РиС 1997.
24. Голубцкая Е.А. и др. Экономика связи М РиС 2006 г.
25. Горелик М.А. Экономика связи. М.: "Радио и связь", 2000 г.
26. Демина Е.В. и др. Менеджмент предприятий электросвязи. М.: «Радио и связь», 2001 г.
27. Князютенков В.А., Птицын Г.А. Оптимизации сетей почтовой связи- М:-МТУСИ. 1997 г.
28. Муминов Н.А.. Назарова Г.Н. Технологик жараёнларни бошқариш ва почта хизмати .-Т.: Алоқачи, 2005.
29. Муминов Н.А.. Назарова Г.Н. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва назорат-ўлчов асбоблари.-Т.: Фан ва технологиялар, 2006.

30. Иминов Т.К. Рыночная экономика и обновление основных фондов Санкт-Петербург, 1992 й. 150-бет,
31. Ивонина Н.В. и др. Методические рекомендации по проведению маркетинговых исследований и разработки программ развития, повышения технического уровня и перепрофилирования производства на выпуск конкурентоспособной продукции (работ, услуг) на предприятии. Финансовое законодательство Республики Узбекистан. Приложение 6. Тошкент, 1996 г. Стр. 99-112.
32. Основы экономики телекоммуникаций (связи). / Под ред. М.А. Горелика и Е.А. Голубицкой. М.: Радио и связь, 1999 г.
33. Рейман Л.Д. ва бошқалар. Информационные ресурсы. Россия.: Москва, 2000 г.
34. Рейман Л.Д. ва бошқалар. Средства информатизации государственных организаций и коммерческих фирм. Справочное пособие, НТЦ “Фиорд-Инфо” 2002 г.
35. Срапионов О.С., Болдин В.Н. Экономика связи. М.: "Радио и связь", 1998 г.
36. Теоретические основы почтовой связи: Учебник для вузов. С.М.Хлытчиев, Н.П.Тарасова, В.М.Лившиц. 2-е изд.препаб. И доп.-М. «Радио и связь»-1990 г.
37. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖда “Ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги хизмат турларини киритиш ва ривожлантириш, почта алоқаси тармоғини модернизациялаш” дастури. 2007 й.
38. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини 2008 йил 3 сентябрда 258-сонли “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни раҳбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи.
39. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини 2004 -2010

йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.

40. Ўзбекистон почтаси ОАЖнинг 2004-2010 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.
41. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг 2005 - 2010 йиллар учун статистик маълумотлари.
42. Давлат алоқа инспекциясининг 2005 -2010 йиллар учун статистик маълумотлари.
43. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Кузатув кенгашининг 2005 йил 18 мартдаги 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган ““Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши номенклатурасига кирган лавозимларга номзодларни танлаш тартиби тўғрисида Низом””

Интернет сайтлари

1. www.tuit.uz
2. www.aci.uz
3. www.google.co.uz
4. www.ziyo.net